



Эркин юрт

Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг расмий нашри
Мулқот учун E-mail: erkinyurt@uzxalqharakati.com

#33 08.06.2012

ШҲТ “АРАБ БАҲОРИНИНГ” МАРКАЗИЙ ОСИЁГА КЕЛИШИДАН ХАВОТИРДА



Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг икки кунлик Пекин саммитида Яқин Шарқ ва шимолий Африкада ҳокимият ағдарилишига сабаб бўлган халқ исёнлари йўлини тўсиш чора-тадбирлари муҳокама қилинмоқда. Ўзбекистон президенти Ислоҳ Каримов ҳам иштирок этаётган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Пекинда бўлиб ўтаётган икки кунлик саммитида кўплаб ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

Ушбу ҳужжатлар ичида “Минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликка раҳна солувчи вазиятларга муносабат билдириш бўйича сиёсий-дипломатик чора-тадбирлар ва механизмлар ҳақида Низом” нинг янгиланган матнда имзоланиши белгиланган.

Таҳлилчиларга кўра, мазкур ҳужжатнинг узундан-узун қуруқ номи остида ШҲТнинг қатга ва чуқур хавотирлари яширинган.

Коммерсант.ру нашрининг ёзишича, ушбу янгиланган низомда, мабодо Марказий Осиё давлатларига “Араб баҳори” кириб келадиган бўлса, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган чора-тадбирлар ва механизмлар белгилаб берилган.

Ҳужжат номига кўра, ШҲТ “Араб баҳори”га қарши “чора-тадбирлар”ни амалга оширмоқчи, қолаверса, барқарор фаолият кўрсатувчи “механизмлар”ни жорий қилмоқчи.

Рангли инқилоблар, оммавий норозилик намоишлари ва ижтимоий бўҳронлар каби Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлат ҳукуматларини алоҳида ташвишга солиб келадиган “инқирозли вазиятлар” юзага чиқиши эҳтимолини, ташкилот икки хил кўринишдаги тадбирлар орқали, йўққа чиқармоқчи. Биринчиси, бу каби вазиятларга ноҳарбий усуллар билан жавоб бериш.

Ноҳарбий усул дер экан, ташкилот Бош қотиби баёнотлари, ташкилотга аъзо давлатлар Вазирлар кенгаши ва Хавфсизлик кенгашлари қотибларининг фавқуллодда йиғинлари, инқирозли ҳудудга танишув миссияларини юбориш каби тадбирлар назарда тутилмоқда. Ҳужжатга кўра, иккинчи йўналиш – бу куч ишлатар тизимлари ва харбийлар орасида жадал ахборот алмашинуви, махсус хизматлар ўртасида мувофиқлаштириш, ўзаро тажриба алмашинуви каби ҳамкорлик соҳаларни камраб олади.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлат ҳукуматларида “Араб баҳори” синдромидан кўрқув анча чуқур. Хитой сиёсий хотирасида бундан роппа-роса 23 йил олдин бўлиб ўтган “Тянанмин” майдони воқеалари ҳали ҳам жуда кучли.

Ўзбекистон ҳукумати эса 2005 йил Андижон воқеаларидан сўнг юзага чиққан сиёсий оқибатлардан ҳали ҳам тўла ўнглана олганича йўқ.

Ўтган 2011 йил декабрида Қозоғистоннинг Жанаўзен шаҳрида жиддий намоишлар ортидан расмий Остона Ғарб инсон ҳуқуқлари ташкилотлари доираларида танқидга учради.

Россия сиёсий ҳокимияти эса кейинги ярим йил давомида қатга халқ намоишлари босими остида қолиб келмоқда.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг биронтасида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий барқарорликнинг табиий асослари мавжуд эмас. Ташкилотга аъзо давлатлар ўз барқарорликларини асосан куч ишлатиш тизимларига қарийб чекланмаган ваколатлар бериш ва ўз халқларини кўрқитиш ҳисобига ушлаб келишмоқда.

ШҲТ давлатлари томонидан “Минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликка раҳна солувчи вазиятларга муносабат билдириш бўйича сиёсий-дипломатик чора-тадбирлар ва механизмлар ҳақида Низом”нинг янги ва тўлдирилган матнда қабул қилиниши, ташкилотга аъзо давлатларнинг “рангли инқилоблар”дан хавотири ўтиб кетмагани, аксинча, улар кўрқувининг янада кучаяётганидан далолатдир.

ozodlik.org

ЎРТА ОСИЁДА ИСЛОМГА ҚАРШИ СИЁСАТ

Ўрта Осиё мамлакатларида яшаётган мусулмонлар хусусида олинаётган аянчли хабарлар кун тартибимизни ишғол қилишда давом этиб турибди.
(Давоми 2-бетда)

МИСР: ҲУСНИ МУБОРАК УМРБОД ҚАМОҚ ЖАЗОСИГА ҲУҚМ ЭТИЛДИ

Қохирадаги маҳкама Мисрнинг собиқ президенти Ҳусни Муборакни 2011 йил бошида юз берган аксилҳукумат намоишлари иштирокчиларини ўлдиришда алоқадорликда айбдор деб топиб, бир умрлик қамоқ жазоси тайинлаган.

(Давоми 3-бетда)

СИЗ БУЮКСИЗ, АММО...

Машҳур рус файласуфи Николай Бердяев айтганидек, “фақат сохта ҳукуматларгина сўз эркинлигидан кўрқади”...

(Давоми 3-бетда)

ҲАҚИҚАТНИНГ ОЛТИН ОЛМАСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Юртдошларимиз ҳали Тошкентга, ҳали Қозоғистонга, бир қарасангиз Россияга нон излаб сафарга чиқаяпти.
(Давоми 4-бетда)

ТОШКЕНТДА ЯНА 13 НАФАР ДИНДОР ҲИБСГА ОЛИНДИ

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари “Эзгулик” жамиятига мурожаат қилган Тошкент шаҳар Олмазор тумани Бешкўрғон кўчаси 32-уйда яшовчи Мурод Мухаммадхонов шу йилнинг 17 майда 28 яшар ўғли Дилшод ҳамда маҳалланинг яна 12 нафар йигитлари “Ваҳҳобий” диний радикал оқимига мансубликда айбланиб, ҳибсга олинганини маълум қилди.

(Давоми 5-бетда)

ИТНИНГ ҚАДРИ

Ўзбекларда бирор кимсани хорлигини англамоқчи бўлсалар “Итдек хор бўлиб юрибди” дейишади. Дарҳақиқат бу иборадаям жон бор.
(Давоми 5-бетда)



ЎРТА ОСИЁДА ИСЛОМГА ҚАРШИ СИЁСАТ

Рус истилосидан қутилган Ўрта Осиёда “советчасига фикрлаш”дан ажрала олмаган мансабдорлар мусулмонлар масаласини еча олмайтирлар ва воқеаларга фақат ўзларининг хавфсизлиги, мансабларида узоқроқ қолиши нуқтаи назаридан қарамоқдалар. У ерларда бугун айнан мана шундай вазият кўзга ташланмоқда.

Ўрта Осиё мамлакатларида яшаётган мусулмонлар хусусида олинаётган аянчли хабарлар кун тартибимизни ишғол қилишда давом этиб турибди. Аслида бу ўлкаларда дин (Ислom дини) масаласи муаммо бўлиб қолишда давом қилмоқда, дейиш яна-да тўғрироқ бўлади. Бу ҳолнинг негизида совет даврида Ислomга оид ривожланишнинг барча унсурлари давлат тарафидан зўрлик-ла батамом йўқотилиши ётади.

Фаолияти давом этаётган баъзи бир диний тизимлар эса, диндорларни ўз истакларига кўра бошқариш учун давлатнинг қўлида курулларга (ҳатто баъзан зулм курулига) айлантирилгандир. Масалан, Қозоғистоннинг Олма-Ота шаҳридаги масжидларга давлат тарафидан камералар ўрнатилиб, бу билан терроризмга қарши пропаганданинг олдини олишни кўзда тутилаётгани айтилади.

Айнан ўша йўлни яқиндан кузатган Ўзбекистон ҳукумати мамлакатнинг Наманган шаҳридаги масжидларга камералар ўрнатиб, ўғирликка қарши тадбирлар қўллаётганларини иддао қиладилар.

Бундан ташқари, Тошкентда ислomий либослар, айниқса ҳижоб сотилиши таъқиқлаб қўйилган. Совет даврида кўринмаган бир ҳолат, яъни Тожикистонда 18 ёшга тўлмаган ўсмирлар масжидга кириши мумкин бўлмаган ҳолга келтирилгандир. Фақат Қирғизистондаги расмий мақомларнинг Ислomий ҳаракатларга қарашли унинг Ўрта Осиёдаги қўшниларига қараганда бир мунча илиқроқ кўринади.

Ўрта Осиё давлатларининг мусулмонлар (Ислom дини)га қарши сиёсати (зулми)ни тубандаги каби тартиблаш мумкин:

1) Халқ ва мансабдорлар (элитлар)

нинг орасида боғланишлар кўпорилди

Советлар режимининг илк йиллариданоқ совет ҳукумати “Худосиз жамият”лар тузиб, Ислomга оид барча қадриятларга оммавий ҳужум бошлади. Шу йўл билан атеизм тарғиботини авж олдириб, халқ оммасини динидан кўпоришга жиддий киришди.

Советларнинг “янги совет кишиси”ни етиштириш режасида кўзда тутилган шахсият – дин ва иймондан батамом ажратилган атеист бири эди. Шунинг учун маҳаллий халқдан ўша турдаги кишилар етиштиришга жуда катта куч сарфланди. Масалан, одий халқ ичидан чиқиб, бошқарув – бюрократиясига кириш учун ана ўша, “янги совет кишиси” синфига ўтиш шарт қилиб қўйилганди. Бироқ халқ бу тарғиботларга оммавий шаклда берилмади. Аксинча, қўлларидан келганича унга қарши туришга ва миллий-диний қадриятларини сақлаб қолишга уринди.

Афсуслар бўлғайки, шу кунларда Ўрта Осиё мамлакатларидаги давлатлар мансабдорларининг катаю-кичик барчаси ўша совет атеистик тарбиясининг асарларидир.

2) Ҳукуматлар ҳар қандай бир кимиралини ўзларига қарши хавф-хатар шаклида қабул қилади

Ислomга ва мусулмонларга муносабатларида бир-бирларига жуда кўп ўхшашликлар бўлган бу давлатлар (айниқса Ўрта Осиёдаги)да ҳокимият бир хил ва фақат ўз истакларини қўллаб-қувватлаган Ислomни ва мусулмонларни истайди. Борди-ю уларнинг қайси бириндан арзмаган таҳдид сезадиган бўлса, уларга “вахҳобий”, “салафий”, “радикал диндор” каби тамғалар босилади.

Ўрта Осиё давлатларида яқка ҳоким ва унинг атрофидаги мансабдорлар синфи (олигархияси) шаклида ташкилланган бошқарув системаси, ҳар қандай бир арзимас фуқаровий фаолиятни (ҳаракатни), у диний бўладими ёки йўқми, бундан қатъи назар, ўзларининг авторитар салоҳиятига ҳужум дея баҳолаб, уни йўқотиш учун барча усулларни қўламоқда. Масалан, шундай ҳолатлардан бирига 2005 йилда Андижон фожесини мисол кўрсатиш мумкин.

3) Ислomий ҳаракатларга ишониш қийинлашган ва 11-сентябр ҳужумлари баҳонаси, антидемократик режимлар ҳукмрон бўлган мамлакатларнинг ҳокимлари, мамлакатларидаги қашшоқлик, порахўрлик, ўғирлик ва шу каби жинойатларни ниқоғлаш мақсадида “Радикал Ислom” ҳаритасини қўллаш билан дунё жамоатчилигининг диққатини асосий муаммолардан чалғитишга уринмоқдалар

11-сентябр воқеалари Ўрта Осиёда ҳам янги бир хавфсизлик системасининг юзага келишига сабаб бўлди. Ўша ҳужумлар баҳонасида бутун дунёнинг авторитар режимлари сингари Ўрта Осиё давлатларида ҳам “ашаддий диндор”, “радикал (ёки фундаменталист) ислomчи”, “жиходчи”ларни овлаш бошлаб юборилди.

АҚШ 2001 йилда юритган сиёсатида Ўрта Осиё мамлакатларидан, айниқса Ўзбекистондан, дастак олиши алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Бундан фойдаланган Каримов режими, бир тарафдан халқаро доирада ўзини кўз-кўз қила олган бўлса, бошқа тарафдан юрт ичидаги мустабиллигини ҳам яна-да муғлақлаштириш йўли билан ҳокимиятини бир мунча мустаҳкамлаб олди.

4) “Расмий Ислom” ва “Халқ ислomи” орасидаги зиддият Совет давридан бошлаб Ўрта Осиёда кенг тармоқ олган Ислomни таништириш усулларидан бири, “расмий” ва “норасмий” Ислom шаклидаги бир тушунишдир. Иккинчи жаҳон уруши давомида Советларда мусулмонларнинг ҳам ёрдамини олиш ниятида дин ва диний масалалар билан шуғулланадиган тўртта диний идора (бошқарма) ташкил этилди. Улардан бирининг маркази Тошкентга бўлиб, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари идораси деб аталадиган бўлди. Бу бошқарма “расмий Ислom” ҳисобланиб, расмий (давлат) масжидларида ишлайдиган имомларни етиштириш, турли хил ислomий фатволар тарқатиш ва Ислomга оид баъзи даврий нашрларни ҳам назорат қилиш вазифасини бажарар эди.

(Давоми 7-бетда)



МИСР: ХУСНИ МУБОРАК УМРБОД ҚАМОҚ ЖАЗОСИГА ХУКМ ЭТИЛДИ

Қохирадаги маҳкама Мисрнинг собиқ президенти Хусни Муборакни 2011 йил бошида юз берган аксилҳукумат намоёнчилари иштирокчиларини ўлдиришда алоқадорликда айбдор деб топиб, бир умрлик қамоқ жазоси тайинлаган. 84 ёшли Хусни Муборак устидан 10 ой давом этган маҳкама ортидан ҳукм ўқилган. “Араб баҳори” деб номланган ҳодисалар бошланганидан буён Хусни Муборак шахсан жавобгарликка тортилган илк собиқ давлат раҳбаридир.

Машҳур рус файласуфи Николай Бердяев айтганидек, “фақат сохта ҳукуматларгина сўз эркинлигидан қўрқади”... Қадимда хаста одамларнинг қонини олиб, даволаш кенг удум бўлган. Ортиқча қони олиб ташланган хасталар бир зумда тинчланиб, соғая бошлаганлар. Жамият ҳам инсон вужуди каби бир организмдир. У ҳам баъзан қон чиқариб туришга демайлиг-у, дарду-ҳасратларини тўкиб туришга эҳтиёж сезиб яшайди. Дарду-ҳасратни эса, фақат уни очиқ ифода этган ҳолдагина, тўкиш мумкин. Япония, Америка ва Оврүпода қўлланилаётган тадбирларга қаранг: бу мамлакатларда кўпинча ўз ишчилари билан ихтилоф қилишни истаманган улкан ширкатларнинг раҳбарлари завод ёки фабрика дарвозалари олдида ўзларининг манекен шаклидаги кўринишларини чиқариб қўйишади. Раҳбардан ёки ўз ишидан норози бўлган ишчилар заводга кираётиб, ичида тўпланиб қолган бутун аламини шу манекенга тўкиб, уни хумордан чиқунча дўппослашлари мумкин. Бундай “қасос”дан сўнг ишичи, албатта, дарров тинчланади ва энди унга ҳаёт аввалгидай фожиали бўлиб кўринмайди. Энди у ўзининг талаблари ҳақида ҳам бир оз ўйлаб кўриш ва уни раҳбариятга қабул қилинадиган шаклда, босиқлик билан етказиш имконига ва фурсатига эга бўлади. Ривожланган дунё

Хусни Муборак коррупция ва аксилҳукумат намоёнчилари ўлимида айбланган. Прокуратуранинг ишонишича, 30 йилдан ортиқ давлат тепасида турган собиқ президент ўзининг истеъфосини талаб қилиб чиққан намоёнчиларни отишга буйруқ берган. 2011 йилнинг феврал ойида 18 кун давом этган эътироз намоёнчилари чоғида Миср хавфсизлик кучлари томонидан 850 дан ортиқ инсон ўлдирилган эди.

Намоёнчиларни отишга буйруқ берганлиги айблови учун жаноб Муборакка ўлим жазоси сўралган. Қохирадаги маҳкама жараёнида судланувчилар қаторида Муборакнинг икки ўғли, хусусан, Муборакнинг давомчиси деб кўрилган Гамал исмли ўғли ҳам бўлган. Муборакнинг икки ўғли – Алаа ва Гамал – собиқ ички ишлар вазири ва яна юқори мартабали олти полиция зобити ҳам айни айбловлар билан маҳкамага тортилган. Аммо коррупцияда айбланган Муборакнинг ўғиллари оқланган.

СИЗ БУЮКСИЗ, АММО...

мамлакатларидаги эркин матбуот ҳам таҳминан мана шундай функцияни бажаради. Матбуот қанчалик эркин бўлса, жамиятдаги барқарорлик ҳам шунчалик собит ва муқим бўлади. Матбуотда эълон қилинган баъзи фактлар туфайли туғилган майда-чуйда шов-шув ва жанжаллар эса, жамиятнинг барқарорлигини бузолмайди. Аксинча, ора-сира бўлиб турадиган бундай шов-шувли, жанжалли мақолалар худди юқорида айтганимиз – “қон чиқариш” ёки “манекенни тепиш” сингари муолажа ролини ўйнаши мумкин. Эркин матбуот икки томон учун ҳам – халқ учун ҳам, ҳукумат учун ҳам шифо берувчи ноёб дори вазифасини бажаради. Эркин матбуот назорати остида ҳокимият тизимлари ичида коррупция ва порахўрлик илдиз отмайди, халқ эса, доим кўнглидаги гапни очик айтиб, юрагидаги аламзадалигидан қутулади, ўз муаммоларини маданий шаклда, зўравонликларсиз ҳал этиш имконига эришади. Шу маънода эркин матбуот бизнинг мамлакатда ўйлаганларидек, ҳокимиятнинг зарарига эмас, аксинча, фойдасига хизмат қилади. Машҳур рус файласуфи Н.Бердяев айтганидек, “фақат сохта ҳукуматгина сўз

Ҳакам Аҳмад Рифат мисрликлар Хусни Муборакнинг ўттиз йиллик бошқаруви даврида зулмат ичида қолганликларини айтган. Давлат телевидениеси собиқ президент Хусни Муборакнинг Қохирадаги маҳкамага замбилда келтирилгани тасвирларини намоёнчи этган. Мисрнинг собиқ Ички ишлар вазири Ҳабиб ал-Адлий ҳам намоёнчилар ўлимида айбдор деб топилиб, умрбод қамоқ жазосига ҳукм этилган. Маҳкама, шунингдек, намоёнчиларга ўқ отишга буйруқ беришда айбланган олти полиция кўмондонини ҳам оқлаган. Маҳкама ҳукмидан кейин маҳкама ташқарисида тартибсизлик келиб чиққан. Бошида Муборакка ҳукмдан хурсанд бўлган оломон айрим айбланувчилар айбдор деб топилмаганидан хабардор бўлиб ғазабга келганлар. Тикучар Хусни Муборакни Қохира ташқарисидаги Тора қамоқхонаси шифохонасига олиб учган. Миср давлат телевидениеси маҳкамадан қамоқхонага олиб кетилгунича Хусни Муборакнинг соғлиги ёмонлашгани ҳақида хабар тарқатган.

ББС

эркинлигидан қўрқади”. Ўзининг поклиги ва ҳеч бир жиноий ишларга аралашмаганига амин бўлган ҳукуматлар эркин матбуотга, сўз эркинлигига доимо ўзининг ёрдамчисига карагандай қарайдилар. Хуллас, сўз эркинлигисиз бирон бир тўғри одим отилиши қийин. Ўз атрофидагиларни ва матбуотни доим хушомад қилишга мажбур қиладиган ҳокимиятнинг келажаги йўқдир. Буни ҳатто қадимда яшаб ўтган подшоҳ ва императорлар ҳам яхши англлар ва шунинг учун ҳам улар ўзларининг ёнида доим ҳеч нарсадан тап тортмай, ҳар қандай вазиятда ҳам тўғри сўзни гапирадиган масҳарабоз кийимидаги ёки бошқа бир кўринишдаги ақлли одамларни олиб юришган. Ҳатто қадимги юнон императорлардан бирини қуллар тахтада кўтариб ўтганида, халқ уни ҳар тарафдан ҳақорат ва сўкишлар ёғдириб қарши олган. Бу ғаройиб удум – императорнинг халқни менсимай, у ҳақда қайғурмай қўйишининг олдини олиш учун амалга оширилган эди. Усмонли подшоҳлар ҳаётида ҳам шунга ўхшаш воқеалар кўп учраган. Масалан, Усмонли подшоҳларидан бирининг олдида ҳар куни бир диний уламо келиб, унга шундай дер экан: “Сиз буюксиз, султоним, аммо минбаъд унутманг-ки, сиздан-да буюк бўлган Аллоҳ бор”.

Мақсуд Бекжон

Бир румин эртақ-фильми бўларди. “Мангу ёшлик” деб номланарди у ва унинг қахрамони бўлган навкирон йигит мангу ёшликка эришиш учун уч шартни бажариши лозим эди. Уч шартдан сўнгиси ҳақиқатнинг олтин олмасини келтириш эди. Ҳақиқатнинг олтин олмаси эса ёлгончилар салтанатидаги бир ғорда яширилган ва у ғорга фақат шоҳининг ўзигина кира оларди. Болалак хотирларидан деярлик ўчиб бўлган бу фильмни камина тўлиғича ёдга олишга қодир бўлмасамда, аммо ҳақиқатнинг олтин олмаси ёдимда сақланиб қолган экан.

Нима учун айнан мана шу эпизод? Сабабки, ҳаёт ёлгонларга бурканган бўлса,

ҳақиқатга ташналик шунчалик ортиб бораркан ва ҳар бир айтилган ҳақ сўз ёлгончилар салтанати деворига қоқилган бир пона бўларкан. Алло оқибат, куни келиб бир кун бу салтанат дарз кетади албатта, лекин унинг жабрини эса эл тортади, ёлгонларга бурканиб яшашга одатланган мана шу манглайи қора халқ тортади! Бизнинг Ватан – Ўзбекистонни янги давримизнинг ёлгончилар салтанати десак мутлоқ муболаға бўлмайди. Унда фақат ва фақат ёлгонлар, юртни алдаш, дунёни алдаш... Куни келиб бир кун, юқорида таъкидлаганимиздек, бу салтанат ҳам дарз кетади ва султониимиз бўлган Ислому Абдуғани ўғли (агар ҳақиқатдан ҳам шундай бўлса ҳали) Исроилданми, Россия ёки АҚШ данми бошпана олиб бемалол оёғини узатиб яшайверади. Аммо жабру жафо тўлиғича ёлгончилар салтанати фуқаролари бўлган ўзбеклар ва ўзбекистонликлар гарданига тушади. Ҳозирча эса режим яйраб яшнапти. Албатта каримовчилар режими ёлгонларига на дунёда, на Ўзбекистонда ва на ҳукуматда биров ишонмайди. Ишонмаса ишонмас, лекин ёлгонлар бор бўлсин экан! Ислому Абдуғаниевични Ўзбекистон деб аталадиган ёлгончилар салтанатининг султони дедик. Демак бош ёлгончи айнан у кишининг шахсан ўзи ва қолганлар эса унинг ордидан эргашганлар экан. Ҳамма бир бирини алдаб яшайди ва бу ёлгонлардан ҳақиқатни ясаб бўлармиди? Албатта йўқ, қачонки ҳақ сўзни айтиши бурчи бўлганлар ҳам ёлгончи бўлишса. Мамлакатда Ўзбекистон статистика қўмитаси деб аталадиган бир ташкилот бор ва унда ҳам бирорта бўлсин ҳақ сўзни топиш мумкин эмас! Давлат статистика қўмитасининг сайтига (<http://www.stat.uz/uz/index.php>) назар ташлаган киши мумкин қорнини ушлаб қулар, балки бошини сарак-сарак қилиш билан чекланар. Аммо биров “зўр бўлибти” деса ҳам ундаги ёлгонни кўриб “зўр бўлибти” деган бўлади, аммо ҳаргиз мамлакатимиз бунчалар ривожланиб бораётганига ишонмас!

Демак, давлат статистика қўмитаси ҳар йилнинг чорагида ўз яқунларини ясаркан, ҳали биров бўлсин, ўтган



ҲАҚИҚАТНИНГ ОЛТИН ОЛМАСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

чоракдан янги чоракда пасайиш бўлганлиги каби маълумотлар чиқарилмаган. Фақат ўсиш, худди Совет давридагидек юксак марраларни забт этиш. “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан мамлакатнинг 2012 йил биринчи чоракдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши яқунлари бўйича маълумотлар тайёрланди”. – дейилади статистик ҳисоботларимизда ва давом этади, – “2012 йил январь-март ойларида Ўзбекистон ЯИМ (Ялпи иқтисодий маҳсулот) ўсиши 2011 йилнинг шу даврига нисбатан 7,5% ни ташкил қилди. Бошқа макро-иқтисодий кўрсаткичларнинг ўсиш суръатлари қуйидагиларни ташкил қилди: саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми – 106,0%, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти – 106,1%, асосий капиталга инвестициялар – 104,4%, қурилиш ишлари – 106,6%, юк айланмаси – 104,6%, йўловчи айланмаси – 104,3%, чакана товар айланмаси – 111,0%, пуллик хизматлар кўрсатиши – 120,1%”.

Аблатта бу ерда фақат бир кўрсаткич рост бўлиши мумкин. Бу ҳам бўлса 104,4 фоизга ўсган йўловчи айланмаси. Сабаб, юртдошларимиз ҳали Тошкентга, ҳали Қозоғистонга, бир қарасангиз Россияга нон излаб сафарга чиқаяпти. Балки мана шу сабабдан ҳам бу кўрсаткични рост десак бўлар. Бироқ саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 106,0% ўсгани-ни қандай изоҳлаш мумкин экан? Саноатнинг ўзи борми бугунги Ўзбекистонда? Автомобиль ишлаб чиқаришининг ўзи бутун Ўзбекистон саноати бўлолмаса керак ахир.

Энди эса асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўсишига эътибор қаратайлик. Шу йилнинг биринчи чорагидаги Ўзбекистонда ялпи ички ўсиш кўрсаткичи ўтган йилнинг биринчи чорагига нисбатан 107,5 фоизни ташкил этибти. Саноат ишлаб чиқарилишидаги ўсиш эса 106 фоизни ташкил этган. Шу муддат ичиди Республикада ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 17649,6 миллиард сўмни ташкил этиб, жон бошига ҳисоблаганда 105,9 фоизни ташкил қилган. Бу ёлгонни рост деб қараш мутлоқ имконсиз, аммо шунини йўлига

бўлсин, рост деган тақдиримизда ҳам оддий халқ оч-наҳор бўлгани ҳолда, бир тўда ўғри-қароқчилару, порахўр қаззоблар тувагини ҳам тиллодан қилиб олгани рост. Аммо улар бу бойликларни халқ билан бўлишаётгани йўқ-ку. Нега энди жон бошига экан? Балки ҳар бир ўғри бошига деб айтилса тузук бўлармиди. Шунда ҳам қиймат 105,9 фоизни эмас, минглаб фоизни ташкил этган бўларди. Агар Давлат статистика қўмитаси ҳисоботларига ишонадиган бўлсак, Ватанимизда жами бўлиб 301 минг 358 қорхона бор ва шулардан

6 минг 890 таси 2012 йилнинг биринчи чорагида янги очилган қорхоналар

ташкил этган. Шу давр мобайнида 4 минг 434 та ташкилот ёпилган. 301 мингдан зиёд қорхонаси бор Ўзбекистоннинг чорак қисм аҳолиси Россияда мардикорчилик қилиб юрибди ва яна йўл тадорини кўраётган ёшларимиз мактаблардан катта ҳаётга йўлланмаларини олиб бўлишди. Катта ҳаёт – бугунги давр ўзбеклари луғатида Россияда мардикорчилик демакдир. Юқорида келтирганимиз йирик қорхоналар эди. Булардан ташқари юртимизда кичик қорхоналар ҳам талайгина. Масалан 2012 йилнинг 1 апрель ҳолатида Республикада 248 минг 320 та кичик қорхона мавжуд бўлган. Шулардан 6 минг 668 таси шу йилнинг биринчи чорагида рўйхатдан ўтказилган ва 4 минг 275 қорхона тугатилинган. Албатта биз статистик ҳисоботни тўлиғича келтириб ўтиб унинг ҳаммаси ёлгон эканлигини исботлашимиз қийин эмас, фақат хурматлик ўқувчимизнинг бундай узундан узоқ мақолани ўқишга тоқати етса. Лекин бундай куч, бундай на ёзишга ва на ўқишга етади. Устига устак, ҳисоботнинг турган битгани ёлгон бўлса! Ислому Абдуғаниевичнинг бир марта бўлсин рост сўзлагани борми? Ҳукуматдаги порахўрларнингчи? Бундай саволни қўйиш осон, аммо унга жавоб топиш қийин. Ахир жавобни ўзбекистонликларнинг ўзлари беришлари керак эмасми? Юртда эса ҳақ сўз анқонинг уруғи бўлса. Шундай латиға бор. Афандидан сўрашган экан: “Мулло Насриддин, сиз ҳам бирор жойда бўлсин, рост сўзлайсизми?” Шунда Афанди жавоб берибди: “Ёлгончилар орасида ёлгон топа олмай қолганимда рост сўзлайман”. Агар Насриддин Афанди шунчаки бир афсона эмас, балки тирик шахс бўлганида ва ҳозирда у Ўзбекистонимизда яшаганида борми, фақат рост сўзлашга мажбур бўлган бўларди. Ислому “акамикга” эса ҳақ сўзининг мутлоқ кераги йўқ! Аввалбошида айтганимиз, ҳақиқатнинг олтин олмаси ҳозир Ўзбекистонда ва у Туркистон саройими, ёки Оксаройинингми ертўласида, етти қават бетон деворлар орасида сақланмоқда. Ҳаргиз ташқарига чиқмаса керак.

Тўлқин Қораев

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари “Эзгулик” жамиятига мурожаат қилган Тошкент шаҳар Олмазор тумани Бешқўрғон кўчаси 32-уйда яшовчи Мурод Муҳаммадхонов шу йилнинг 17 майида 28 яшар ўғли Дилшод ҳамда маҳалланинг яна 12 нафар йигитлари “Ваҳҳобий” диний радикал оқимиға мансублиқда айбланиб, ҳибсга олинганини маълум қилди.



ТОШКЕНТДА ЯНА 13 НАФАР ДИНДОР ҲИБСГА ОЛИНДИ

Унинг таъкидича, Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги Терроризмга қарши кураш Бошқармасининг 6 нафар ходимлари томонидан ўтказилган тинтув ҳамда диндорларни ҳибсга олиш вақтида талай процессуал нормалар кўпол тарзда бузилган. Жумладан, ходимлар маҳалла фаоллари, участка нозири ва холисларнинг иштирокига қарамадан ҳеч қандай хат ҳужжатсиз хонадонга бостириб киришган ва тинтув ўтказишган. Истаган нарсалари топилмагач, тинтув баённомасини ҳам нася қилиб, Дилшодни ўзлари билан олиб кетишган. Уғилларининг қаерга олиб

кетилган ҳақидаги ота-онанинг саволларига жавоб беришни ҳам эп кўришмаган. Фарзандларини 14 кун давомида қидирган Муҳаммадхоновлар Дилшодни Тошкент шаҳар ИИББга қарашли дайдиларни сақлаш ва тарқатиш марказининг рўйхатидан, сўнгра эса ҳозирда Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги ертўласидан топиб, адвокат киритишга мувоффақ бўлишди. Дилшод Муҳаммадхонов билан учрашишга эришган адвокатнинг маълум қилишича, суд уни эхтиёт чораси сифатида қамоққа олиш учун санкция берган.

Ҳозирда Дилшод Муҳаммадхонов ўзи сингари 12 нафар диндорларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 159-моддаси (Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумиға тажовуз қилиш), 244-моддаси 1, 2-қисми (Жамоат хавфсизлигиға таҳдид солувчи материаллар тарқатиш, ноқонуний диний ва бошқа уюшмалар фаолиятида иштирок этиш) билан кўзғатилган жиноят иш бўйича Тошкент шаҳар 1-сон қамоқхонасида сақланмоқда. Фуқаро Мурод Муҳаммадхонов фарзанди қатор халқаро тузилмалар томонидан террорчи ташкилотлар сифатида эътироф этилаётган “Ваҳҳобий”лик диний радикал оқимиға қўшилгани ва ҳеч қандай варақа ёки адабиётларни тарқатиш билан шуғулланганини эътироф этмоқда. “Болам фақатгина беш вақт намозини ўқирди холос, ахир намоз қиш жиноят эмас-ку” дейди ота.

Воқеалар ривожини “Эзгулик” фаоллари кузатиб бормоқда.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари “Эзгулик” жамияти

Ўзбекларда бирор кимсани хорлигини англатмоқчи бўлсалар “Итдек хор бўлиб юрибди” дейишади. Дарҳақиқат бу иборада янги бор. Бизнинг ватанимизда итлар кўчада туғилиб кўчада ўлади. Ва хору зор ҳаёт кечирилади. Шу сабабли хорлик тимсолиға айланган бўлса ажабмас. Итларни қўверинг инсонлар ҳам хор бизни ватанда. Ва инсонларга егаётган хорлик итларникидан анча оғирроқ. Итлар қамалмайди. Сўкиб Қалтақланмайди. Ва ҳаказо.. Нар и борса ит отарлар отиб кетишади. Одамларни эса ўғирлаб ертўлаларда йиллаб сақлашади. Турмаларда йигирма йил давомида ўтирганлар бор. Отиб ташлашгани анча осонроқ менимча. Ўзбекистонда итлар одамлардан нисбатан кадрлироқ. Лекин Европада умуман бошқача экан. Европада инсон кадри юксакдир. Итнинг кадри ҳам улуғ экан. Қўшним Ларс Свенсонни учта ити бор эди. У доим ишда бўлиб хотини фақат уйда ўтириб шу итларга қарар ва уларни овқатлантириб кўчаларни айланттириб юрарди. Бу оилани битта қизи ҳам бўлиб у қаердадир ўқийди. Уйига ойда бир марта келади. Бир куни Ларс учта итини айланттириб юрганида одатдагидек уйимни олдида тургандим озроқ гаплашиб қолдик. У битта итини касаллигини ва уни даволатаётганини айтиб қолди.

ИТНИНГ ҚАДРИ

Мен унга қандай даволатаяпсан десам у хайвонлар докторига олиб бориб келаётганини ва уни даволатишга 25 минг крондан кўп пул сарфлаганини гапириб берди. Мен бу пулни эшитиб хайрон бўлиб ундан “итинги сотсанг баҳоси қанча бўлади ўзи? Деб сўрадим. У “сотсам 5 мингаям олишмайди” деб, жавоб берди. Бу пул долларга ҳисоблаганда 4, ярим 5 минг доллар бўлиб қолади. Бу пулга Ўзбекистонда одамни даволаш учун ҳар ким ҳам сарфлаёлмайди. Хуллас, ўша ит жума куни ўлган. Ва шу муносабат билан Ларс кўчага стол курсилар қўйиб ўн ўн бешта швед аёлу эркаларни чақириб итига “маросим” уюштирди. Мен кўчадаги одамларни кўриб бирортасини туғилган куними деб ўйлабман. Кейин қарасам у фақат иккита итни сайрга олиб чиқди. Уйимни олдида ўтаётганда мен учинчиси қани деб сўрадим. “У ўлди” деб жавоб берди қўшним маюс оҳангда. Мен унга у ўлган бўлса нимага байрам қилдинг бугун десам, у бу ўша итга атаб қилинган маросим эди деб жавоб берди. Мен швед халқи учун кадр қиймат тушунчалари умуман бошқа мезонлар устига қурилганини англадим. У 50 минг кетсаям ўша ити



тузалиши учун сарфлашга рози эди. Қизиғи шундаки ўзи давлатни ижара уйида ўтиради. Ўзига шахсий уй сотиб олган эмас. Ижара уйда 18 йилдан бери яшар экан. Уч йиллик ижара пулиға Швецияда шахсий уй сотиб олса бўлади. Бечора қўшним итини эслаб анча хафа бўлиб юрибди. Ўзбекистонда одамни кадри шведни итларини кадрича эмас. Нафақат шведни ити балки, ўзбекларни кўчадаги хор итлари кадрича ҳам эмас. Инсоннинг кадри тикланса хайвонлар кадри ҳам тикланар экан. Инсон ўз кадрини билса, кейин хайвонни ҳам кадриға етар экан деб тушундим. Мен ўзбекларни итларини кадрлашни ҳали ўйлаб ҳам кўрган эмасман. Бунга ҳали анча вақт бор. Ҳозирча ҳар ҳолда мен учун Ўзбекистонлик инсонларни кадри топталмаслиги муҳимдир.

М. Абутов.

Азалдан тирикчилик қилишнинг энг осон йўлларида бири маддоҳлик бўлиб келган. Бу касб ўғирлик, бузукчилик ёки йўлтўсарлик қилишдан осонроқдир. Ўғри кўли билан, кўча хотини вужуди билан, қароқчи пичоғи ёки тўппончаси билан тирикчилик қилса, маддоҳ тили билан турмушини тебратлади. Тилдан бошқа ҳеч нарса талаб қилинмайдиган бундай ғаройиб касб билан ҳозир Ўзбекистонда юзлаб журналист ва ёзувчилар тирикчилик қилмоқда.

Уларнинг юзлаб тиллари занглаган тузумни бир оз бўлса-да ялтиратиш умидида ялаб-юлқаб ётибдилар. Бу маддоҳлар ўзларининг қавариб кетган тилларига вазиятга қараб, гоҳ асал, гоҳ захар суртиб туришади. Тилнинг асал суртилган томони билан улар тузумни яласалар, захар

ўйлар” номли мақоласи ана шундай “ибратли” мақолалардан биридир.

Бу мақоласида оқсоч адибимиз ўзининг мустақиллик байрамини нишонлаш бўйича тузилган Ташкилий Қўмита мажлисида иштирок этгани ва у ерда мажлисга раислик қилган Ислоҳ Каримовнинг пурмаъно насихатлар ва оқилона йўлланмалар бергани ҳақида меҳр билан ёзади. Мақолада, хусусан, шундай дейилади: “Самимий суҳбат давомида юртбошимиз:”Халқнинг-ку мустақил давлатимизга муносабатини юқорида айтган эдим”, дедилар ва кулимсираб:”Сизларчи?” – деб сўрадилар. Биз у кишига:”Ахир бизнинг муносабатимизни яхши биласиз-ку, Ислоҳ Абдуғаниевич”, деб жавоб бердик. “Биламан, – деди Ислоҳ Абдуғаниевич, – лекин бу чиқишларингиз оз.

Албатта, халқимизда “ит хуради, қарвон ўтади” деган нақл бор. Лекин мен ўйлайман-ки, қарвон ўтаверади, деб, уларни ақиллатиб кўйиш ҳам тўғри эмас.

Бу масалада суҳбат чоғида ёзувчиларга айtilган (яъний, Ислоҳ Абдуғаниевич тарафидан айtilган. Муаллиф) гаплар, душманни вайсатиб, индамай, сукутга тушиб ўтириш яхши эмас, деган фикрларга тўла кўшилмоқ даркор”...

Ҳа, оқсоч адибнинг бу гапларини ўқиб, биз ҳам “ит хуради, қарвон ўтар”, деб қўяверишимиз ҳам мумкин эди, аммо гап итда эмас, итга “олқиш”, “бос” деб гиж-гижлаётган итнинг хўжайинидадир. Президент Ислоҳ Каримовнинг йўлланма ва рағбатлантиришларидан боши кўкка етгудай бўлиб севинаётган оқсоч ва қорасоч адиб ва адибчалар, журналист ва журналистчалар бугунги тузумнинг пойдеворини ташкил этмоқдалар. Аммо доимий тилёғмалик, яъний, ялаган тиллардаги ёғнинг ҳаддан ташқари кўплиги, ҳатто ит эгасининг ҳам кўнглига уради, уни бездириб кўяди...

Оқсоч адиб президент айтган гапдан шундай иқтибос келтиради: “Мустақилликни улуғловчи енгил-елпи мақтовларга тўла чиқишлар, ҳамду-саноларнинг даври ўтди, – дейдилар юртбошимиз, – энди халқимиз сизлардан мустақил давлатимиз моҳиятини чуқур таҳлил қилиб берадиган, олдимизда турган мураккаб масалаларни дадил кўтариб чиқадиغان фалсафий-теран чиқишларни кутади”. Шундай. Ҳаддан ташқари кўп ёғ, ёғли тил, яъний, тилёғмалик ҳатто юртбошининг ҳам меъдасига урар экан.

Аммо жаноб лаганбардорлар ҳеч меъёрни билмайдилар. Улар учун давлат тепасига келган ҳар қандай ўткинчи дарров “Аллоҳнинг ердаги сояси”га айланади. Бироқ сиз адашасиз, жаноб лаганбардорлар, Аллоҳнинг сояси ҳар келиб-кетаётган раҳбар билан бирга келиб-кетавермайди, у сиз ўйлаганчалик, сизнинг раҳбарингиз каби ўткинчи эмас. Аллоҳнинг сифатларини бир қуфр байроқдорига нисбат бериб вайсайверишдан бир оз тийилинг. Тўғри, сизга ҳам оғир, чунки, ялаб-юлқаб ўрганган тилни тўхтатиш осон эмас, зеро, маддоҳлар учун ялаб-юлқаш, юқорида айтганимиздек, қорин тўйдиришнинг, тирикчилик қилишнинг бир усулидир.

Мақсуд Бекжон

МАЗОХИЗМГА АЙЛАНГАН МАДДОҲИЗМ



суртилган томони билан тузумни танқид қилганларга қарата захар сочадилар. Тилдаги захар миқдори, одатда, тилдаги асал миқдорига пропорционал равишда оша боради. Бу – лаганбардор ва маддоҳлар табиатининг ўзгармас қонунидир. Шундай асалли ва захарли тил, тўғрироғи, лексикон билан танишишни истаган киши оқсоқол адибимизнинг ёзганларига бир назар ташласин. Аслида, уни оқсоч адибимиз деб аташ деб аташ тўғрироқ бўлади, чунки, у киши соқол қўймаганлар, қолаверса, “оқсоч”, яъний, “хизматчи” деган сўз, аниқроғи, “тузум хизматчиси” деган калима унинг тасвирига кўпроқ уйғун келади.

Оқсоч адибимизнинг(у киши вафот этганлар, номини келтириб руҳини чирқиллатмайлик) “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида чоп этилган “Улуғ айём арафасидаги

Халқимиз “ўзингдан чиққан балога, қайга борасан давога” деганидек, гулдай диёрига хиёнат қилиб, хорижга қочган кимсалар ҳар куни, ҳар хил овозлардан юртимиз ва халқимиз шаънига не-не бўҳтонлар ва тухматлар ёғдирмоқдалар”. “Ҳақиқатан ҳам, - дея давом эттиради оқсоч адибимиз ўз мақоласини – ғанимларнинг тухмати шу даражага бориб етдики, гўё бизнинг халқимиз ҳали миллат бўлиб шакллангани йўқ, фақат қорин тўйдириш билан банд, деган гапларгача бораётдилар. Хўш, бизлар-чи? Нега сукут сақлаймиз? Нега телевидениеда кам кўриниб қолдик? Халқ шаънига айтилаётган бу тухматлардан элимизни огоҳ этайлик... Энди ўз она юртини, ёру-биродарларини, халқи ва ватанини, виждонини сотиб кетиб, узоқдан туриб, ота юртига тош отаётганларга келсак, улар туғилганидаёқ хоинликка маҳкум этилган кўрнамақлардир.

(Давоми: Баши 2-бетда)

“Норасмий” исломий гуруҳлар ичида эса суфий тариқатлари (айниқса Нақшбандийлик, Яссавийлик, Қодирийлик, Кубровийлик) каби аждодлардан буён келаётган ибодат шакли ва Ўрта Осиёда анча ёйилган “авлиёга сиғиниш” атрофида мазорусоғаналарга даврий зиёратлар, норасмий масжидларда қилинадиган ибодатлар, зикр халқлари, норасмий исломий тарбия, расмий дин кишиларидан бошқалар тарафидан қилинаётган ибодатлар ва диний амалиётларнинг бошқа шакллари давом этиб келди. Ҳамиша, айниқса суфийлар ва уларга эргашувчилар орасида расмий исломга қаршилиқ кўрсатилиб турилди. Советлар тугатилганидан сўнгра

ЎРТА ОСИЁДА ИСЛОМГА ҚАРШИ СИЁСАТ.

ҳам бу вазият айна тарзда давом этди. Мустақил бўлган Ўрта Осиё давлатларининг ҳар бири ўз диний бошқармаларини тузиб, Ўрта Осиё ва Қозоғистон диний бошқармаси таркибидан чиқиб олдилар. Бу янги диний бошқармалар ҳам давлатлар тасарруфида қолаётгани сабабли маҳаллий халқ – мусулмонлар тарафидан илиқ қабул қилинмади. Ҳақиқатан ҳам бу янги диний бошқармалар мусулмонлар (умуман халқ)нинг диний ва ижтимоий эҳтиёжларига жавоб бера оладиган даражада фаолият юрита олмаётдилар. Рус истилосидан қутилган Ўрта Осиёда “советчасига фикрлаш”дан ажрала олмаган мансабдорлар

мусулмонлар масаласини ҳал этолмаётдилар ва воқеъликка фақат ўзларининг хавфсизлиги, мансабидан узокроқ қолиши нуктаи назаридан қарамокдалар. У ерларда бугун айнан мана шундай вазият кўзга ташланмоқда, холос. “Араб баҳори” юз берган диёрларда халқнинг зулмга ортиқ чидай олмасликларини намойиш қилиб турган бир пайтда, дунёнинг кўпгина ўлкалари, айниқса Ўрта Осиё мамлакатлари янги ўзгаришларга, ҳатто инқилобий ўзгаришларга ҳомилалордир.

Ziya Oktay/ TIMETÜRK
Туркчадан **Алибой Йўляхши**
таржимаси

Швецияда муҳожирлар нашрларидан бири саналадиган Сесам (Sesam) газетаси 30 май куни Швеция радиоси маълумотларига таянган ҳолда бир хабар нашр этди.

ЖОСУСЛАР ЎЗ ВАТАНДОШЛАРИНИ ТАЪҚИБ ҚИЛИШМОҚДА

Унда айтишича, Швецияда бир қанча мамлакатлардан келган жосуслар фаолият олиб боришмоқда ва улар аксаридан бу мамлакатда бошпана олган ўз ватандошларини таъқиб қилиш билан машғул бўладилар. Қуйида Сесам газетаси чоп этилган маълумотнинг таржимасини эътиборингизга ҳавола этамиз. Швецияда ўз ватанлари жосуслардан қўрқиб яшаётган минглаб одамларни учратиш мумкин. Улар ўз ватанларида ҳукуматга муҳолиф бўлганлар ва айна шу сабаб, таъқиблардан қочиб Швециядан бошпана олишган.

Ҳозирда улар ўз ватанларидан келган жосуслар томонидан таъқиб қилинишмоқда. Жосуслар уларнинг ҳаёти ҳақида маълумот йиғади, таъқиб ва таҳдидлар қилишади.

Баъзи турфа жосуслар Швецияга қочкин сифатида келишган. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, жосусларнинг айримлари аэропортларда, ахборот ва янгиликлар бюроларида ишлашади.

SÄPO (Швеция хавфсизлик хизмати) Швед радиосига маълум қилганига кўра, йигирмадан ортиқ мамлакатлар Швецияда ўз ватандошларини таъқиб қилаётган жосусларига эга. SÄPO ходими Вилхелм Унге (Wilhelm Uнге) Швед радиосига таъқидлаётганига кўра:



“Агар хавфсизлик хизмати полицияси бу каби жосусларни аниқласа уларни ўз мамлакатларига депортация қилади ва бундан ортиқ бирор иш қила олмаймиз”, – дейди у.

Сесам (Sesam) 30 май 2012 йил



ОАВ маълумотларига қараганда Гулнора Каримовани тўйи деб шов шув бўлаётган тўйлар ҳам борган сари миси чиқиб қолаётди. Аввалига Гулнора мингта никоҳ тўйи ва мингта хатна тўйи ўтказиб берармиш деган шов шув бўлганда, мен монако шахзодасига ва АҚШнинг собиқ Президенти Б. Клинтонга хайрия қилиб юрадиган бу танти хоним ўз халқига ҳам ачинган ва бир саховат қилайин деб ўйлаган бўлса керак дегандим.

ТЎЙНИ ЎТКАЗГАНЛАР ҚОЛИБ РАҲМАТНИ ГУЛНОРА ЭШИТАЯПДИ

Бугун Озодлик радиосида қуйидаги маълумот берилди.

“Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси (Фонд Форум) да ишлайдиган ходимнинг айтишича, ҳақиқатдан ҳам Фонд Форум ўтказётган тўйларга маҳаллий тадбиркорлар ҳомийлик қилади.”

“Тўй харажатларини маҳаллий ҳокимликлар ўз зиммасига олади. Телевизор, велосипед ва бериладиган бошқа совғаларни ҳам тадбиркорлар кўтаради. Биз Тошкентдан GULI кўйлақларини олиб борамиз. Кейин ҳар бир тўй соҳибларига Фонд Форумнинг табрик битилган ёрлиғи берилади”, деди Фонд Форумнинг исмини ошқор қилмаётганимиз ходими.”

Бу гапга қараганда тўйларни маҳаллий ҳокимликлар ва фермерлар мажбуран ўтказадилар.

Гулнора томонидан эса GULI кўйлақлари ва Фонд Форумнинг табрик битилган ёрлиғи берилар экан.

Шу битта кўйлақни бергани учун тўйларни Гулнора Каримова ўтказган ҳисобладими?! Бу тўйларга пул сарфлашга мажбурланган одамлар ноилож ва норози бўлиб бераётган бўлиши мумкинми?! У ҳолда бу тўйлар шаръан ҳаром ҳисобланади. Бунақа тўйдан ҳалол одамлар хусусан мўминлар воз кечишлари лозим бўлади. Чунки, ўша тўйга пул бераётганлар ўз ихтиёри билан эмас зулм билан мажбурланган бўлишлари эҳтимол. Хуллас, бу тўйни ҳам тагидаги нимкоса кўришиб қолди. Қизиқ тўйни бошқалар ўтказиб раҳматни Гулнора эшитаяпди?! Отасига ўхшабди бу қиз.

Абутов. М.

НАТО – ТАМОМ,

trend.az/ сатининг хабарига кўра, Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг июнь ойи бошларидаги Пекин сафари натижасида Ўзбекистон ва Хитой ўртасида стратегик ҳамкорлик декларациясини имзолаш режаланган. Каримовнинг 5-6 июнь кунлари қилинадиган бу сафарини Ўзбекистон ОАВ фақат кеча, шанба куни расман эълон қилдилар. Хитой раҳбари билан кўриладиган

КАРИМОВ ХИТОЙДА.

масалалар орасида, “ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш, муҳим минтақавий ҳамда халқаро муаммолар бор”, дейиладиган расмий хабарларда. Аммо қайси минтақавий ва халқаро муаммолар Каримов учун бугун муҳим эканлиги ҳақида тафсилотлар келтирилмаган.

Ташриф чоғида икки тарафнинг ўзаро сиёсий, савдо ва иқтисодий, инвестиция ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлигини кучайтириш борасида баъзи ҳужжатлар имзоланиши кутилади. Ўзбекистон-Хитой орасидаги савдо кўлами \$2,6 млрд, Хитойнинг Ўзбекистонга ётқизилган сармояси \$4 млрд дан зиёд. Ташриф сўнггида И.Каримов 6-7 июнь кунлари Пекинда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммитида иштирок этади. Шунинг ҳам эслаб ўтиш жоизки, Каримов Россия ва Хитой билан муносабатларини бузиб

ШҲТ – САЛОМ?..

қўйган пайтларида, Ғарб паноҳига қочиш одати бор, қўшни буюк давлатлар билан муносабатларини яхшилашга уриниши эса, унинг Ғарб билан алоқаси ёмонлашгани аломатидир. 2005 йил Андижон қатлиомида Каримовни қотил атагани учун Ғарбдан қочиб, Россия ва Хитойга сифиниб борган эди, бугун бу серқатновликнинг сабаби нимада экан?

Ёки НАТО тамом, ШҲТ – салом?..

10 ИЮН ҚИРҒИЗИСТОН ЖАНУБИДАГИ ФОЖЕАЛИ ҲОДИСАЛАРНИ ХОТИРЛАШ КУНИ БЎЛАДИ

10 июнни Қирғизистон президенти 2 йил олдинги қонли ҳодисаларни хотирлаш куни деб эълон қилган, айни пайтда Қирғизистон жанубида икки миллат ўртасидаги муносабатларини ёмонлаштириши мумкин бўлган омиллар муҳокама этилган. Ҳуқуқ-тартибот органлари кучайтирилган хизмат ҳолатига ўтказилганлар.

Қирғизистон президентининг информацион сиёсат бўлими хабар қилишича, Президент Атамбоев имзо чеккан фармон 10 июн кунини 2010 йилда Ўш ва Жалолобод вилоятларида ва Ўш, Жалолобод вилоятларининг айрим туманларида рўй берган фожеали ҳодисаларни хотирлаш куни деб эълон қилган.

“2010 июнида Ўш, Жалолобод шаҳарларида, Ўш, Жалолобод вилоятларининг айрим туманларида аксилхалқ кучлар миллатлараро тўқнашувларни келтириб чиқардилар, бу Қирғизистон фуқароларининг ўлимига олиб келди”, дейилади Президент Атамбоев фармонида.

Қирғизистон президенти Ички ишлар вазирлиги ва Миллий Хавфсизлик Давлат қўмитасига 2 йил олдин содир этилган жиноятларни фош этиш, жиноятларда айбланган шахсларни қидириш ва топиш ишлари самарадорлигини ошириш буйруғини берган.

Фармонга биноан, 10 июн куни Қирғизистонда 1 дақиқа сукут сақланади.

Этник низоларнинг 2 йиллиги арафасида - 5 июндан бошлаб Ўш, Жалолобод ва Боткен вилоятлари ҳуқуқ-тартибот органлари кучайтирилган хизмат ҳолатларига ўтказилганлар.

Улар зиммасига ҳар қандай иғвогарликлар олдини олиш, жанжал ёки маийший келишмовчиликларга оператив чора кўриш, миллатлараро низо ёки оммавий тартибсизликка йўл қўймаслик вазифалари юклатилган.

Қайғули сана арафасида баъзи ўшликлар хавфсиратганлигини ҳам айтишган.

Ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари аҳоли орасида хавсираш мавжудлигини, аҳолидан “ишонч телефонларига” кўнғироқлар кўпайганлигини тан олганлар, бироқ “иғвогарлик ҳаракатлари, вазиятни беқарорлаштиришга интилишлар олдини олиш учун ўзларида куч ва воситалар етарли” эканини айтганлар.

Айни пайтда Ўш жамоатчилиги ўзбек тилида рэп услубида тарқалган қўшиқ ҳам қирғиз ва ўзбеклар ўртасидаги муносабатни таранглаштириши мумкинлигидан хавотир билдирганлар.

“Халқаро тоқатлилик учун” жамғармаси вакиласи Асел Жуматаеванинг айтишича, мобил телефонлар ва диск шаклида бу қўшиқ илк бор бундан бир ярим ой олдин ёшлар орасида тарқалаётгани кузатилган.

“Бу қўшиқ кўча жарғонида айтилган. Унда Ўш ўзбекларга тегишли шаҳар дейилади, бошқа этник гуруҳ иззатнафсига тегадиган жумлалари бор.

Биз бу қўшиқнинг ҳам ўзбек ва ҳам қирғиз ёшлари орасида тарқалаётгани ҳақидаги хабарни олдик.

Ҳозир ҳуқуқ-тартибот органлари бу қўшиқ ким томонидан тарқатилаётганини аниқлаш устида иш олиб бормоқдалар”, деб айтди “Халқаро тоқатлилик учун” жамғармасидан Асел Жуматаева.

Миллатлараро низоларнинг 2 йиллиги арафасида Ўшда давра суҳбати уюштирилган, бу давра суҳбатида Қирғизистон жанубида совуқлашган ўзбеклар билан қирғизларнинг ўзаро муносабатларини яхшилашга ҳаракат қилинаётган бир пайтда хориж оммавий ахборот воситалари, айниқса, интернет нашрлар ўз мақолалари билан вазиятни беқарорлаштиришга интиляптилар, дейилган.

Медиа форум маърузачиларидан бири Ўш шаҳри мэри Мелис Мирзақматов бўлган.

Оммавий ахборот воситаларининг жамият олдидаги жавобгарлиги ҳақида гапирган Ўш шаҳри мэри Мирзақматов, баъзи журналистлар нотўғри ахборот тарқатаптилар, деган, журналистларни беқарорликка сабаб бўлиши мумкин бўлган ахборот тарқатмасликка чақирган.

ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР МЕХНАТИГА ДАВЛАТ МАСЪУЛ



АҚШдаги “RSN –Responsible Sourcing Network” ташкилоти Ўзбекистонда пахта хом ашёси етиштирилишидан тортиб унинг товар шаклида бозорга олиб чиқилишигача бўлган жараёндаги инсон ҳақлари бузилиши ҳоллари ўрганилган ҳисоботини эълон қилди.

“Даладан: Ўзбек пахтасининг нарх занжири бўйлаб саёҳати” деб номланган ҳисоботда Ўзбекистоннинг пахта теримида болаларнинг жалб этилиши давлат тарафидан ташкиллаштирилладиган ягона мамлакат экани таъкидланади. Жаҳонда миллионлаб бола пахта етиштириш ишига жалб этилади. Ўзбекистон ҳам АҚШ Мехнат вазирлиги тарафидан тузилган болалар меҳнатидан фойдаланадиган давлатлар рўйхатидадир. Лекин, RSN мутахассисларига кўра, бошқа ўлкалардан фарқли Ўзбекистонда болаларнинг дала меҳнатига жалб этилиши давлат тарафидан ташкиллаштирилади ва ҳукумат пахта сотилишидан йилига бир миллиард доллардан кўпроқ даромад кўради.

2011 йилда Ўзбекистон жаҳонда пахта етиштириш бўйича олтинчи, пахта толасини экспорт қилиш бўйича эса бешинчи ўринни эгаллади. RSN ҳисоботида кўра, 2010-2011 йилларда пахта сотилишидан кўрилган даромад Ўзбекистон умумий экспортдан тушган даромаднинг 11.3 фоизини ташкил этган.

Ўзбекистонда пахтани фермерлар етиштиради. Лекин бу ҳукуматнинг тўлиқ назорати остида амалга оширилади.

Мамлакатда маҳаллий фермерларга ҳукумат нимани эк деса, шуни экади. Пахта етиштириш фермер учун норентабел бўлса ҳам, ҳукумат пахта экишни буюрса бош торга олмайди. “Ҳукумат фермерларга пахта етиштириш бўйича давлат шартнома мажбуриятларини юклайди. Фермер эса айти шартнома доирасида ҳосилни давлатга ҳукумат белгилаган нархда сотишга мажбур. Ҳукумат белгилаган нарх эса Ўзбекистонда бозор нархидан уч барабар кам. Ўзбекистонда

етиштирилган ҳосилнинг 75 фоизи экспортга кетади ва ҳукумат фермердан сотиб олинган пахтани уч барабар қимматга сотади”, – дейилади RSN ҳисоботида.

“RSN –Responsible Sourcing Network” ташкилоти ўз ҳисоботида асосий эътиборни Ўзбекистонда пахтанинг асосан болалар қўли билан терилишига қаратган.

“Ўзбекистонда пахта ҳосилининг 90 фоизи қўлда терилади. Ҳар бир теримчи, шу жумладан ўқувчи-талаба учун пахта териш қундалиқ нормаси белгиланади. Мактаблар сентябр ойидан ноябргача ёпилади. Ҳар йили асосан қишлоқ жойларида бир ярим-икки миллион бола пахта теримида ҳайдалади. Баъзида етти ёшдан, лекин кўпинча 11 ёшдан болалар пахтага олиб чиқилади”, дейилади RSN ҳисоботида.

Ўзбекистон ҳар йили 600 минг тонна пахта толаси экспорт қилади. Бу 90-йиллардагига қараганда 20 фоизга камдир. Ҳисобот муаллифларига кўра, Ўзбекистонда пахта етиштириш камайгани тупроқнинг Орол денгизи қуриши таъсирида шўрланиши билан боғлиқ.

Шунингдек, АҚШ кузатувчилари таъкидича, пахта далаларида эскириб кетган суғориш ускуналаридан фойдаланилиши атроф-муҳитга зиён келтирмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон сўнгги йилларда ўз тўқимачилик ва тикувчилик саноатини ривожлантирди. Бу ҳам пахта экспорти камайишига туртки бўлган омиллардан.

Маҳаллий тўқимачилик ширкатлари сўнгги беш йили ичида ишлаб қақаришни икки барабар оширди. Тайёр кийим-кечак экспортдан тушган даромад 2011 йилда 550 миллион долларни ташкил этган. Бу рақам 2004 йилгига қараганда деярли икки барабар кўндир.

Ҳозирда ўзбек пахтасининг асосий харидори Бангладеш ва Хитой бўлиб қолмоқда. Асосий экспортнинг 70 фоизи шу икки давлат ҳисобига тўғри келади.

Ўзбекистонда миллионлаб боланинг давлат томонидан мажбуран пахта даласида эксплуатация қилиб келинаётганига норозилик тариқасида жаҳоннинг 60 га яқин йирик ширкати ўзбек пахтасига бойкот эълон қилган. RSN жаҳондаги бошқа кийим-кечак ширкатларига ҳам ўзбек пахтасини сотиб олмасликларини тавсия этади. Ташкилот мутахассислари фикрича, шу йўл билан Ўзбекистонда болаларнинг мажбурий меҳнатга жалб этилиши олдини олиш мумкин.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ҚАРИНДОШЛАРИ КАМАЛГАН ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ИШДАН ҲАЙДАШАЯПТИ



Тошкент вилояти Паркент шаҳрида мактаб ва лицейлардан 1 июндан бошлаб бирданига 14 та ўқитувчи ишдан бўшатилади, дея маълум қилади Ўзбекистон Мустақил ҳуқуқ ҳимоячилари ташаббус гуруҳи (УМХҲТГ).

ЎМХҲТГ маълумотида кўра, №1, №2, №5, №8, №10, №30, №45 ўқув муассасалари педагогларини “ўз хошига биноан” ишдан бўшаш тўғрисидаги аризаларини ёзишга Паркент тумани халқ таълими бўлимининг мудирини Муҳсиддин Ҳасанов мажбур қилган. Ишдан бўшатилишнинг сабаби – ўқитувчи аёлларнинг турмуш ўртоқлари ёки қариндошлари диний сабаблар билан қамалган ёки қидирувда бўлган. Баъзи ўқитувчилар эса фақат масжидга борганлари учун шундай ситамга йўлиқдилар.

Бундан ташқари, №1 мактаб директори Тоҳир Абдуғафоров ҳамда 5 мактаб-лицей директори Отабек Арипов тергов изоляторига ташланган, Паркент тумани ИИБ уларга қарши ваҳҳобийликда айблов билан жиноий иш ясапти. Ҳолбуки, мактаб ўқитувчиларига кўра, бу икки директор масжидга бориб номоз ўқимаган, диндор бўлмаган ва дунёвий ҳаёт тарзи кечирган.

ЎМХҲТГ, шунингдек, Паркент туманида етти нафар маҳаллий фермер ва тадбиркорлар диний экстремизмда гумон билан ҳибсга олинганини маълум қилмоқда. Маҳаллий аҳолига кўра, халқ таълими ходимларининг ёппасига ишдан бўшатилиши, фермер ва тадбиркорларнинг ҳибсга олиниб, уларга қарши жиноят ишларининг сохталаштирилиши ортида Паркент тумани ИИБ бошлиғи милиция подполковниги Шўхратулло Ҳусанов ҳамда Миллий хавфсизлик хизматининг Паркент туманидаги ходимлари турибдилар.



ЎЗБЕКИСТОНЛИК ИККИ ДИССИДЕНТГА ЧИҚИШ ВИЗАСИ БЕРИЛМАЯПТИ

Баходир Мусаевнинг айтишича, у 27 март куни Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ИИБ Хорижга чиқиш-кириш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига чет элга чиқишга рухсат олиш учун лозим ҳужжатларни топширган, давлат божини ҳам тўлаган.

– Ҳужжат топширганимизга икки ойдан ошди, ҳалигача жавоб йўқ. Борсақ, нимагалигини билмаймиз, деб елка қисишади,- дейди Баходир Мусаев.

Рассом Вячеслав Охунов эса ҳужжатларни 25 март куни топширган. – Виза босиб беришимиз учун тепадан рухсат келмади, дейишади. Ундай бўлса, расмий “отказ” беринг десак, фақат сизлар эмас, бундайлар кўп, кутинг, кутинг, ҳуллас 25 мартдан бери кутинг, деган гапни эшитамиз,- дейди рассом Вячеслав Охунов.

Ўзбекистонда хорижга вақтинча чиқаётган фуқаролар чет элга бориш учун икки йил мобайнида амал қиладиган рухсатномани олишлари ва ОВИР расмийлари буни узоғи билан 20 кунда расмийлаштириб беришлари керак.

Совет давридан қолган бу тартиб туфайли Ўзбекистон фуқароларининг

ўзлари истаган шаҳарда ишлаш, яшаш, болаларини мактабга бериш ва тиббий хизматдан фойдаланишлари улкан муаммага айланган.

Вячеслав Ахунов чиқиш виза тартиби туфайли ўзининг шу ҳафта Германияда очиладиган кўргазмасига ҳам бора олмади.

– 6 июн куни Германияда Замонавий тасвирий санъат кўргазмаси очилади ва у ерда менинг асарларим ҳам қўйилади. Рассом учун ҳар беш йилда бир марта бўладиган бунақанги кўргазмада қатнашиш улкан шарафдир. Лекин, менга мамлакатдан чиқиш имкони берилмаяпти,- дейди Охунов.

Ҳар икки йилда янгиланиши шарт бўлган чиқиш визаси эса фуқароларни давлат идораларига боғлаб қўйган.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ҳукуматига танкидий кўз билан қарайдиган инсон ҳуқуқлари фаоллари, мустақил журналистлар ва фаоллар чет элга бориш учун чиқиш визаси ололмаган ҳолатлар тез-тез учрамоқда.

Лекин, Вячеслав Охунов ҳам, Баходир Мусаев ҳам авваллари чиқиш визасини олишда ҳеч қанақа муаммага дуч келмаганликларини айтмоқда.

Улар муҳолифатдаги Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг навбатдаги қурилтойида иштираётган этиш учун Европага боришлари арафасида виза олиш мушкулотлари билан юзма юз келмоқдалар.

– Афғидан, улар Стокхольмдаги анжуманда қатнашишимни билиб қолишган ва шу йўл билан менинг боришимга тўсқинлик қилишяпти. Сабаби, Баходир Мусаев ҳам шу анжуманга таклиф этилган, унга ҳам беришмаяпти. Биз у ерда Ўзбекистондаги сиёсий, ижтимоий аҳвол ҳақида маъруза қилмоқчи бўлиб турувдик, лекин бу амалга ошмайдиган кўринади,- дейди Вячеслав Ахунов.

Лекин, Баходир Мусаев ҳам, Вячеслав Ахунов ҳам чиқиш виза олишдан умидларини узганлари йўқ.

– Охир-оқибат улар чиқиш визасини беришга мажбур бўлишади. Чунки, мени ҳуқуқларим бузиляпти.

Фуқаро сифатидаги ҳуқуқларим бузиляпти. Мени ҳеч қанақа махфий ҳужжатларга алоқадорлигим ҳам йўқ, судланмаганман. Мен доим эркин рассом бўлганман,- дейди Вячеслав Ахунов.

Озодлик мазкур масалага аниқлик киритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Хорижга чиқиш, кириш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасига ҳам қўнғироқ қилди. Бошқарманиннг ўзини таништирмаган ходими бу борада телефон орқали маълумот берилмаслигини айтиб, гўшакни қўйиб қўйди.

Ўзбекистон Марказий Осиёда фуқароларнинг чет элга чиқиши учун махсус рухсатнома бериладиган ягона давлат бўлиб қолмоқда.

ozodlik.org

Ўзбекистон Хитой билан стратегик ҳамкорлик келишуви имзолади деб хабар тарқатди бугун радио озодлик. Хитой Халқ Республикаси раҳбари Ху Цзинтао таклифига кўра амалга ошган ташриф чоғида Ислон Каримов икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни стратегик шериклик даражасига чиқаришга қаратилган беш келишув имзолаган.

Мазкур келишувлар аксари иқтисодий ҳамкорликга доир бўлгани айтилаётган бўлсада, бу ерда ўзбек режими ўзининг келажаги учун хавотирли ҳисобланган мавзуларда ҳам ўзаро келишиб олганлигини тахмин қилишимиз мумкин.

Сабаби, Фарб давлатлари наздида тобора ўз нуфузунинг йўқотаётган диктатор энди ўзига суянкликни Шанхай ҳамкорлик ташкилотидан излаётган бўлиши табиий.

Унинг Хитойга ташрифи ҳам айна ташкилотнинг Пекин саммити арафасида бўлиб ўтди.

БЕЧОРА ЧОРА ИСТАР...



Каримов режими учун яқин келажақда оғир муаммолар юзага чиқиши эҳтимоли мавжуд.

У Русияни тузоғига тўлақонли тушиб қолишдан доимо имкон қадар қочиб келган. Ва бугунги иқтисодий ночор аҳвол ва миллионлаб ўзбек меҳнат муҳожирларини Русияда ишлаётгани ҳам Русия тарафи учун Каримовга босим ўтказиш учун етарли бўлмади.

Энди НАТО Афғонистондан тинч омон чиқиб кетар экан, ўзбек диктаторини улар билан

боғлайдиган нарсани ўзи қолмайди. Ва улар Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари поймол қилинаётгани ҳақида баралла жар сола бошлашлари мумкин.

Ва айна пайтда Афғонистонда эса Толибон ҳаракатини яна қайта иқтидорга келиш хавфи ҳам мавжуд.

Бундай ҳол юз берадиган бўлса Диктатор ўз режимини ҳимоя қилиши учун ташқи ёрдамга муҳтож бўлиши табиий.

Бу омил уни яна ШХТ билан ҳамкорликга ундаётган бўлсада, Русияга қарам бўлиб қолиш хавфи уни Хитой билан ўзаро алоқаларни яқинлаштиришга мажбур қилмоқда. Диктаторни Хитойга ташрифидан ва Хитой Халқ Республикаси раҳбари Ху Цзинтао билан стратегик ҳамкорлик келишуви имзолашидан асл мақсад мана шулардан иборат эканини тахмин қилиш мумкин.

М. Абутов.

КАРИМОВ МУСТАҚИЛЛИГИ ЎЗБЕКИСТОНГА НУР ЭМАС, ЗУЛМАТ КЕЛТИРДИ

Мустақилликнинг дастлабки йилларида маҳалларда Каримов мачитлар қурилишига кенг йўл очиб берди, мачитлар қўпайиб, номозга болаларини қаторлаштириб олиб чиқаётган ота-оналар кўпая бошлади. Бундай ҳолни, ўзбек халқи ҳали булар Мустақилликнинг берган ҳақиқий эркинликларини нишонаси деб англаган эди.

Бундай маҳаллалар республикада ҳали оз, мачитлар қурилиши эса, асосан ўзларининг ҳалоллиги билан синалган ва илмлари ҳам соф исломдан иборат имомлари бор, маҳаллалардангина бошланган эди.

Мустақилликда ўз маҳалласида 3-4 исломга иштиёқли бадавлат кишиларнинг сармоясидан тўлиқ қурилган мачитлар ҳам бўлди. Кўпчилик ерларда мачит қурилиши битса, унинг имомлигини эгаллаб, бу ерни ўзининг даромад манбаъига айлантираман деган кишилар ҳам топилиб, улар мачит қурилиши ташвиқоти ва пул йиғиш ишларида фаол қатнашишди.

Мачит қурилиши учун маҳаллада хар оиладан жон бошига пул йиғиш кенг бошланди ва имом бўламан деган чаласавод муллаларнинг оёғи ерга тегмай, астойдил ёпишган маҳалланинг айрим бойларидан каттарок “ўлпонлар” ундирила бошланди. Бундай қурилиш ишларда кам таъминланган оилалар ҳам ён атрофдагиларидан колмай деб, ўз бисотидаги товук ва эчкиларига сотиб берсалар, маҳалла аҳли эса, мачит қурилиши битгунча кундалик хашарга чиқар эдилар. Ваҳоланки, мустақил бўлган бу юртда давлат томонидан кам таъминланган оилаларда советларнинг тугатилиши билан уларнинг ёрдам таъминотлари ҳам тўхтатилган эди.

Халқимиздан мачитга ҳалол табиатли, савобли ишларга доим шерик бўладиган кишилар ва Қуръон ва ҳадисларга амал қилувчи ва мустаҳкам имон ва эътиқод эгаси бўлиш учунгина борар эдилар.

Аммо ўша даврда Каримов бу мачитларнинг кейинчалик халқнинг минглаб қора кўз фарзандларини камаш ва уларнинг ёш умирларини тўхматлар билан узоқ муддатли қамқоқларда чиритиш учун қопқон ва тузук сифатида фойдаланишини ҳеч ким ҳаёлига келтирмаган эди.

Мачитлардаги мингларча ёшларимиз, хар йили Хизбу-Тахрир ёки Ваҳобийликда сохта айбланиб, узоқ ва умрбод муддатлар билан Жасликнинг борса келмас лагеридан жой олдилар. Ҳа, демай Ўзбекистонда фақат ўзлари учун яратиб олган, амалдорларнинг ўша сабил қолгур “Яшасин мустақиллик” шиори остида енг шимариб, халқнинг энг қамбағал ва қашшоқ қисмидан пора сўраб, пора



беролмаганларни ишини ҳал этмаслик ҳоллари кескин кўпайди.

Каримов ўзига шахсий қилиб олган милиция, суд-прокуратура, МХХ, солиқ органлари ва ҳокимиятларнинг, ҳамма амалдорлари чорасиз қамбағал аҳолини сурбетларча талашда президентнинг ҳоҳлаган истагини амалга ошириб, унинг ҳаётини ҳал қилувчи, асосий кучига айландилар. Каримов ўз ишининг биринчи куниданоқ шикоятчилар йўлига тўғоноқ бўлди. Ҳамда у келганларнинг ўз милицияси томонидан қандай қилиб таёқланаётганини, 22 йилдан бери кабинетидеги ойна ортидан хузури қилиб, ором олиб тамошабин бўлиб кузатмоқда. Ҳалқга ва халқ дадини ечимига эса, у аллақачон туфурган. Каримовнинг уйида чуқур ўйлаб топган ва сирти чиройли гулларга ўраб безалган буйруқ ва фармонларининг тўлалигича, айёрона махсус тайёрлангани ва унинг атайин Ўзбекистонни талаб, халқимиз ҳаётига чеки йўқ зарар келтираётган фармонлар эканини халигача тушунмаётганлар борлиги, у ўтказётган зулмининг мислсиз эканидир. Масалан, Каримовнинг йилига икки-уч марта чиқадиган пенсия ва маошларни оширишдек сиртидан яхши кўринган фармонларидан 15 фойизгагина қўлайган маошлар ортидан, халқ бошига қалтак бўлиб, дўкон ва бозорларда, транспорт ва коммунал нархларининг камида 200 фойизга кўтарилиб кетаётгани ҳамманинг кўз олдида юқоридаги фикрларни жонли тасдиқидир.

Каримовнинг бундай сохта “меҳрибонлик”лари, бу ҳолатнинг узоқ йиллардан бери давом этиб, унинг шафқатсиз милициясидан халқимиз бошига кунда тушаётган резинка таёқлари етмагандай, диктаторнинг бундай сохта меҳрибонлик фармонлари билан халқнинг бошига президент Каримовнинг ўзи тушираётган “гулга ўралган арматура таёқ”лари эмасми? Каримов ўз кабинети эшигини, мен бандман деб ёпиб, соатлаб халқ ва давлат ҳақидан ўмарган пул ва олтинларини, бугун неча миллион

доллар эканини киморбоздай қалтираб санаб қўйишни жон-дилдан севадиган оғир жиноятчининг ўзгинасидир.

Лекин ўз вазифасини нопоклик, ялқовлик қилиб ва эриниб бажаришга келганда, Каримовнинг чўтир юзларидан бошланган ажинлар товонигача етиб борадиган ҳасис жиноятчи ва нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун Туркистон халқларининг ҳам ўғри ва ёвуз душмани экани кўринади. Лекин Каримовнинг шу пайтгача бирорта каттароқ завод ёки фабрика қурмаслиги, унинг бундай қилинганда янги минг-минглаб иш ўринлари очилишидан ва бундан қилинганда халқ ва мамлакатга катта фойда келишини, унинг асло ҳоҳламас эканлиги билиниб қош бўлади. Очиғини айтганда Каримов аксинча ўзбекларнинг ҳаммасини мардикор ва хор-зор, хорижларга чиқиб иш излашларини бутун юрак-юрагидан истайдиган “Ўзбекистон Қаҳрамони” эмас, балки ўзбек халқининг “энг ёвуз душмани!” бўлиб келаётир.

Каримовнинг оддийгина мусулмонлик деб, мачитга қўпчилик билан намоз ўқишга борган минглаб халқнинг фарзандларини “терроризм ва экстремизм”да айблаб, уларга тўхматлар билан оғир ва узоқ муддатли жазо бераётганига сабаб нима? Бу биринчидан кунини зўрға кўраётган авом халқни қўрқитиш, иккинчидан БМТ ва ЕИ ни лақиллатиш ва учинчидан, атайин қилинаётган бу найранглар, ёнғин ва портлашларнинг Каримовнинг ўзи, хотини ва икки қизи томонидан мамалакатни охириги сўмларигача қилаётган ўғирликларини ниқоблаш эди. Бундай найранглар, чорак асрга яқин давом этган Каримов ва Каримовалар сулоласининг, ўзбек халқининг қонини сўрилиб, ундан тортиб олинган, ва миллионлаб долларларнинг “роҳатини кўриб” яшашлари учун навбатдаги талашга тайёр бўлиш йўлидаги қилган ширин орзуларидир ҳолос.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларининг қўпол бузилиши, бу халқнинг адолатсиз ва шафқатсиз оғир яшашга мубтало қилаётган режимни ўрнатгани ва дунёдаги мислизи ёвуз диктатор Каримов ва унинг қароқчи оиласини яқин келажакда, албатта уларнинг ўзбек халқи олдида битмас-туғалмас гуноҳлари учун муқаррар бўлган доно халқимизнинг “Ҳақиқат эгилсада у ҳеч қачон синмайди” деганларидек, Ўзбекистондаги ҳақиқатнинг 22 йил эгилсада, унинг ҳали синмаганини исботлаб бергунча жафоқаш ва чидамли халқимизнинг муқаррар ғалабаси билан тугайдиган тарих сабоғидир, деб ишонаман.

**Турлибеков Ёдгор,
АҚШ, 4 – июнь 2012 й.**

Россия президенти Владимир Путиннинг Ўзбекистонга ташрифи арафасида инсон ҳуқуқларини химоя қилувчи ташкилотлар Россиядаги ўзбек меҳнат муҳожирларининг муаммосига ҳам эътибор қаратиш чақириғи билан чиқди. Кузатувчилар турли қийинчиликларга қарамасдан Россияга пул топиш мақсадида кетаётган муҳожирларнинг сони

камаймаётганини айтишади. Турли манбааларда уларнинг сони

2 миллиондан 5 миллионгача эканлиги билдирилади. Меҳнат муҳожирлари юбораётган маблағлар эса, миллиардлаб долларларни ташкил қилади. Ўзбекистон иқтисодининг асосий даромад манбаига айланиб бораётган меҳнат муҳожирлари бугун кимлардан ташкил топган? Ўзбекистонлик журналистнинг кузатувлари билан танишинг:

Жиянимнинг ёши 29 га қараб кетаяпти, аммо ҳали ҳам уйлана олгани йўқ. Оилада 3 эракнинг мардикорчилик қилиб топган пули фақат оилани боқишга етади. Тўй учун пул топиш мақсадида, оила ҳеч бўлмаса бир кишини Россияга ишлашга юбориш ҳақида бош қотирмоқда.

“Бир ўртоғим Россияда ишлаб уй кўтарди, яна бири машина олди. Бу ерда ишлаб топган пулимнинг баракаси бўлмапти”, - дейди Россияга кетиш йўллари кидираётган жияним.

Шокирнинг Россияда ишлаш шароитлари, ҳужжатлар борасида умуман тасавури йўқ, муҳими, эртақлардаги Сусамбилдек жарангли ушбу ўлкага етиб олиш ва топганини жамғариш учун уйга жўнатиш.

Ҳозир Россияга ишлашга кетаётганлар ва орзу қилиб юрганларни Ўзбекистоннинг ҳар бир нуқтасида учратиш мумкин. Аввалига қўлида дипломи йўқ ишчилар кетган бўлса, ҳозирга келиб чорасизликдан олий маълумотли тайёр мутахассислар ҳам Россияга йўл олмақда.

Меҳнат муҳожирлари Ўзбекистон иқтисодига салмоқли ҳисса қўшувчи қатламга айланди. Биргина Россиянинг ўзидан бир йилда 5 миллиард доллар атрофида пул жўнатилиши айтилади.

- Бахтимизга Россия бор экан, бўлмаса ушбу тинчлик ва осудалиқдан дарак ҳам бўлмасди. Ишсиз, пулсиз миллионлаб одамларнинг чорасиз қолиши

нималарга олиб келишини тасаввур қилиш қийин, - дейди неварасини ишлашга юбориб, келаётган пулларга уй кураётган отахон. Россия нафақат пул топиш манбаи ва балки Ўзбекистондаги амалдорлар ва ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан бўладиган турли босимлардан қочиш масканига ҳам айланмоқда.

Чўл зонасида қарзга ботмаган фермерни топишнинг имкони йўқ. Пахтани нореал даражада паст баҳода сотиб олиниши кўп харажат қилувчи фермерларни қарздорга айлантди. Эътиборлиси, далада ишлашни истовчилар йилдан-йилга камаймоқда. Фермерлар қарзга ботиб қолгани учун ҳам хўжалигини қайтариб топшира олмайди. Топшираман деса, ҳокимнинг ишораси билан ишини прокуратура кўриб чиқиши мумкин.

Йилдан йилга фермерларни қаттиқроқ ишлатиш учун турли услублар ўйлаб топилмоқда. Халқ тилида “бортавой” деб номланувчи юк машиналари бор.



- Бу йил туманимиз ҳокими барча фермерларни ана ўша “бортавой”га солиб далама-дала олиб юришни одат қилди. Агар бирор даладан ўт чиқса, ҳоким “бу нима ифлос?” деб сўрайди ва ҳамманинг олдида ҳақоратлаб тепа кетади. Ҳокимнинг калтаклашларига ўрганиб кетдик. Худди шундай бўлиши керакдек қабул қиламиз, - дея ҳикоя қилади кўпчиликка тушунарли сабаблар билан исми-шарифи матбуотда тилга олинишини истамайдиган фермер.

Чопиқ ва ягана мавсуми бошланиши билан туман ҳокимлари махсус ҳарбий чодирларни тикиб, фермерларни туни билан ўша ерда олиб қолиш одатини бошлашди. Бир чодирда ҳокимнинг ўзи,

қолганларида эса фермерлар ухлайди.

Бундай палаткаларда тунги соат 1 да уйқуга ётилади ва тонгги соат 4 да ҳоким бошчилигида далага ҳайдалади.

Бошқа идора-ташкilotлар ходимлари ҳам оммавий равишда дала ишларига жалб қилинган.

Болалар боғчаси ва мактаблар ўз ишларидан ташқари давлатга пилла

топшириш режаси ва пахтазорларни ўтдан тозалаш ишларини бажаришга мажбур.

Ҳаттоки, давлатдан ёш боласи учун ёрдам пулини оладиган янги туққан аёллар ҳам пулдан ажралиб қолмаслик учун чопиққа чиқишга мажбур.

“Боласи бир ойлик ёки бир ёшга тўлганининг фарқи йўқ. Агар “пособия” оламан деса, чопиққа чиқишга мажбур”, - дейди маҳалладаги фаоллардан бири.

Чопиққа кўнгилли чиққанларга бир қаторни чопгани учун 2,5 минг сўм берилади, бир қунда қаттиқ ишласа, 4 қаторни чопиш мумкин. Аммо давлат муассасалари ходимлари ва ёрдам пулини олиш учун чиқаётганлар шу пулни ҳам олмайди.

“Давлат идорасидан далага чикувчилар номига чопишади. Ҳатто, ҳокимнинг кўзига чопаётган бўлиб кўриниш учун дастанинг ўзини ушлаб туришади. Натижада пахта ҳам чопилмайди, ўша мутахассиснинг асосий юмуши ҳам қолиб кетади”, - деб айтади нима учун бундай сиёсат юритилаётганини тушунмаётган завод ишчиси.

Фермерлар ушбу бош оғриқдан кутилишнинг биргина йўли сифатида Россияга қочиб кетишмоқда. Россияга қочиб кетилса, ер қаровсиз қолади. Жамоа хўжалиги раҳбари ҳокимнинг бақиришларига жавобан фермернинг бошқа давлатга қочиб кетганини айтиб тураверади.

Натижада ўт босган ер бошқа фермерга қўшиб берилади. Қолган фермер ҳокимнинг хўрлашига чидаб ишлашда давом этади.

Туманда Россияга қочиб кетиш орзусида юрган фермерларни кўплаб учратиш мумкин. Ҳозирча ерни ташлаб Россияга кетиб қолганлар учун бирор жинойий жавобгарлик ўйлаб топилгани йўқ. Қолганига Худо пошшо!

ЎЗБЕК МУХОЛИФАТИ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

МУХОЛИФАТНИ ҲУКУМАТ БИЛАН ЯРАШТИРИШГА УРИНИШ

1996 йилда таниқли сиёсатчи, Туркия Миллий партияси лидери Алпарслан Туркеш Ислом Каримовга уни Муҳаммад Солиҳ билан яраштириш мақсадида мактуб битади.

Ўта нозик дипломатия ва эҳтиром туйғулари билан ёзилган бу мактубда Туркеш жаноблари сулҳ ва ярашишга рози бўлиш, бир бирини кечириш кучли ва буюк шахсларгагина хос фазилат эканини айтиб, Ислом Каримовни ҳам ана шундай мард ва жасур лидерлар қаторида кўришига умид қилаётганига алоҳида урғу беради.

Ўзбекистон Президенти эса унинг мактубига қуйидагича жавоб беради: (жавоб хати қискартирилган ҳолда келтирилади) :

“Хурматли Алпарслан Туркеш жаноблари!

Сизнинг Туркиядаги элчимиз орқали йўллаган 1996 йил 4 август кунги мактубингизни қатта қизиқиш ва эҳтиром билан ўқиб чиқдим. Сизнинг мустақиллик йилларидаги биз қўлга киритган ютуқларга берган баҳонгиз мени ғоятда ҳаяжонга солди. Мустақилликдан бўён ўтган беш йил муддат биз нақадар тўғри йўлда эканимизни яна бир бор исботлади. Бу йўл бизнинг халқимиз ва жамиятимиз томонидан бениҳоя қўллаб қувватланмоқда.

Шу қисқа давр мобайнида биз мустақилликнинг ниҳотда оғир ва машаққатли йўлини босиб ўтдик. Кўплар биз танлаган йўл учун астойдил курашдилар, баъзилар бизга ишонмадилар ва яна баъзилар талай хатоларга йўл қўйишди. Агар бугун улар ўз хатоларини англаб етган бўлсалар, улар бундан кейинги ҳаётларини Ўзбекистон келажаги учун бахшида этсалар, бунга ҳеч ким қарши эмас.

Муҳаммад Солиҳ жанобларига келсак, бу киши ҳам бошқалар қатори юртига қайтиши мумкин. Лекин бу қайтиш ҳеч қанақанги талаб ва келишувларсиз, муайян мансаб ва ё имтиёзлар ҳисобига бўлмаслиги керак. Сиз, мухтарам Туркеш жаноблари, Ўзбекистонда ҳамма нарса Конституцияга сўзсиз ва изчил амал қилинган ҳолда олиб борилишини яхши билсангиз керак деб умид қиламан.

Чексиз ҳурмат билан;

Ислом Каримов

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Тошкент,
1996 йил, 18 ноябрь
И-1973

ҚУВҒИНЛАР

1997 йилнинг кузида Муҳаммад

Солиҳ Франкфуртдан Истанбулга келди. Бу ерда унинг оиласи яшарди. Туркия ҳукумати унинг келганини гўё билмаганга олди. Бироқ Ўзбекистон элчихонаси “Каримовнинг душмани” Истанбулга келганини Анқарадагиларга маълум қилди. 1997 йилнинг ноябрида Ўзбекистон Президентининг Туркияга ташрифи муносабати билан Анқара Каримовнинг хурматида Муҳаммад Солиҳни Болгарияга чиқариб юборди. Салиҳ Софияда бир ойча яшаб қолди. Сўнг яна норасмий тарзда Истанбулга келди.

Туркия ҳукумати бундан яна ранжиди.

1998 йилнинг мартада Муҳаммад Солиҳ энди Руминияга чиқариб юборилди.

У бу ерда бир ойча ҳам турмади. Апрель ойининг бошларида Киевга келди. Украинада у «Рух» Халқ Ҳаракати лидери Вячислав Черновил билан учрашди. Украина мухолифатчиси ўзбек демократини қўллаб қувватлашга ваъда берди. Май ойида Солиҳ Москвага келади. “Литературная газета” ва “Люди как они есть” журнали у билан суҳбатлашиб, суҳбат матнини ўз саҳифаларида чоп этишади.

Июль ойида эса Базель шаҳри Мэри тақлифи билан уч ойлик муддат билан Швейцарияга келади. Шу ерда у ўзининг «Йўлнома» номли хотиралар тўпламини қоғозга туширади. Сентябрда яна Туркияга қайтади. Сафар норасмий бўлгани учун ҳам у ўз оиласи билан дўстларининг уйида учрашади.

1998 йилнинг ноябрида Бокуга бориб, Абулфайз Элчибей билан кўришади. У ердан эса Москвага ўтиб, генерал Александр Лебедь билан учрашади. Декабрда яна Истанбулга қайтиб келади...

СОКИН МУХОЛИФАТЧИ

“Бирлик” раҳнамоси ҳам Истанбулда яшарди.

У Туркияда 6 йил яшаса-да, нафақат Туркия, балки Ўзбекистон ҳукумати ҳам уни эслашмади. Туркияда Муҳаммад Солиҳдан бошқа яна бир мухолифатчи – Пўлатов ҳам борлигини ҳеч ким билмасди. 1998 йил бу сокин мухолифатчи Вашингтонга қўчиб ўтади. Бу ерда унинг укаси яшарди...

ПОРТЛАШЛАР

1999 йилнинг 13 февралда Анвар Солиҳбоев бошчилигидаги бир гуруҳ ўзбек миллий хавфсизлик хизмати (СНБ) ходимлари Анқарага келишади. Солиҳбоев Туркия ҳукуматидан терроризмга қарши кураш битими доирасида Ўзбекистонга жўнаётган

экстремистларни кузатиш учун Туркия аэропортларида ўз жосус агентларини жойлаштиришга рухсат сўрайди. Улар яқин кунларда содир этилиши лозим бўлган ўта жиддий воқеага ишора қилишади.

Айни шу кунларда Тошкентда ҳам ғаройиб воқеалар содир бўлаётган эди. Барча фаол мухолифатчиларнинг уйлари қузатувга олинган эди. Масалан, Тошкентда уч кун 13 – 16 февраль кунлари СНБ агентлари ва махсус хизмат ходимлари “Эрк” партияси котиби Отаназар Орипов, ҳуқуқ химоячиси Мўътабар Аҳмедова, ёзувчи мамадали Маҳмудов, Муҳаммад Солиҳнинг кизи Нигор, ака-укалари Комил, Жуманазар, Рашид Бекжоновлар яшайдиган Хоразмдаги барча уйлари қаттиқ қузатув остига олинган эди. 16 февраль кунги Тошкент марказида бомбалар портлашидан сўнг биринчи бўлиб айнан шу қузатувга олинган уй эгалари ҳибсга олинади.

Ҳали портлатганларнинг бирортасини ушламай туриб, ҳукумат бу ишни дин фанатиклари билан бирга Муҳаммад Солиҳ амалга оширди деб жар солди. Гўё бу ишнинг сиёсий тамғаси аввалдан маълум эди...

Муҳаммад Солиҳ бу айбловларга “Тўхмат соҳри” ёки “Магия лжы” номли мақолада батафсил жавоб берган эди. Қуйида мазкур мақолани қискартирилган ҳолда келтиришни лозим топдим:

“Мен 16 февраль куни Тошкентда бўлиб ўтган портлашлар ҳукумат томонидан уюштирилган деб тўла ишонч билан айта олмаман. Лекин мен тўла ишонч билан шуни айтишим мумкинки, мухолифатнинг бу портлашларга мутлақо алоқаси йўқ. Портлашлар ортида ким турганилигини билиш учун, бу фожеа кимлар учун зарур бўлганини яхшилаб ўйлаб кўриш керак бўлади. Биринчидан, бу портлашлар Ўзбекистон Президентини ўлдиришга қаратилган эди деган ёлғонга ҳозирданок чек қўйиш керак. Портлашлар шаҳарнинг беш турли нуктасида турли вақтларда содир бўлди ва бу беш бомба фақат бир кишини ўлдириш учун портлаган эди дейиш қулгили ҳолдир. Фақат бир нарса – бу акциянинг провакация экани мутлақо ҳақиқатдир! Бу провакация нимани бошлаб бериши керак эди? У, кўриб турганимиздек, халққа қарши янги таъкиб ва таъийклар тўлкинини бошлаб берди. Бу репрессия ярим оч ва ялонғоч аҳолининг кун сайин кучайиб келаётган исёнини бостириш, қолаверса ҳали ҳануз мамлакат сиёсий ҳаётида иштирок этиш учун курашиб келаётган мухолифатни тамомила янчиб ташлаш учун жуда зарур эди.

(Давоми кейинги бетда)

ЎЗБЕК МУХОЛИФАТИ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

(Давоми: Баши олдинги бетда)

Мухолифат ҳамиша ҳукумат учун халқ норозилигидан ҳам ортиқроқ хавф хатар манбаи бўлиб келди.

Негаки, Каримов режими халқнинг бу норозилиги айнан шу мухолифат томонидан дастакланиб келинмоқда деган ҳаёлда эди. Шунинг учун ҳам 16 февраль портлашларидан кейинги биринчи ҳибслар ҳам айнан шу мухолифатдан бошланди. Аввал ҳаммани ҳибс этиб, кейин уларнинг алоқадорлигини эълон қилиш лозим эди. Улар шунини режалаштирган эдилар.

Ҳибсларнинг иккинчи тўлкини эса мухолифатга хайрихоҳ бўлган кишилар қатламини ўз ичига олди. Тошкент ва вилоят олий ўқув юртлари муаллимлари ҳибс этилдилар.

Университетлардан мухолиф кайфиятдаги студентлар ҳайдалди, давлат идораларидан мухолифат билан алоқаси бор деб гумон қилинган ходимлар ишдан бўшатилади.

Қамокқа олиш ва ҳибслар бутун МДХ (СНГ) давлатларини қамраб олди. Аресты охватили и территорияю СНГ. 15 март куни Киевда Мухаммад Бекжон билан “ЭРК” фаоли Юсуф Рўзимуродов, “Бирлик” Халқ Ҳаракати Марказий Кенгаши аъзоси Қобил Диёров ва унинг жияни ҳибсга олиндилар. Қозоғистон ва Қирғизистонда ҳам Ўзбекистонга қарши “террор” да айбланиб қирқдан зиёд киши ҳибсга олинди.

Норасмий манба ва маълумотларга қараганда 16 февраль портлашларидан сўнг ўзбек ҳукумати томонидан Президент ҳаётига суиқасд қилганликда айбланиб икки мингга яқин киши ҳибс этилган. Ўз ўзидан савол туғилади: Шунча одамни ўз ҳаётига суиқасд қилганликда айблаш учун Президент бу халққа нисбатан нима қилган бўлиши мумкин? Бундан ўн йил муқаддам Президент Каримов Ўрта Осиёдаги энг илғор ва уйғоқ мухолифатга эга эди. У бунинг учун Худога минг бор шукр қилиб, шу мухолифат билан мамлакат равнақи йўлида ишлаши керак эди. Лекин у мухолифатнинг радикал бўлиб шаклланиши учун қўлидан нима келса, барини қилди. Мақсадига эришолмагач эса, у мухолифатни шундай деб эълон қилди ва кейинги етти йил давомида деярли ҳар куни уни йўқотиш учун тинмай иш олиб борди.

Лекин мухолифат, мана етти йилдирки, гарчи ҳукумат уни халқ орасида обрўйи йўқ деб ҳисобласа ҳам, хануз Каримов режими учун кўрқув ва таҳлика манбаи бўлиб келимоқда. Мен кўпма сийқалашмоқчи эмасман, аммо халқ орасида обрўси бўлмаса, нега унда мухолифатдан бунчалар кўрқишади деб сўрамоқчиман.

Шу нарса яққол аниқки, мухолифат кучи – режимнинг унга нисбатан бўлган таҳлика ва кўрқуви билан теппа тенг! Яна шунини ҳам кўшимча қилиш лозимки, яқинлашиб келаётган парламент сайловлари ва унда мухолифатнинг иштироки ҳақидаги гап сўзлар бу кўрқувни икки қарра оширди.

Портлашларга қадар ўзбек мухолифатининг масъул кишилари Тошкентда ОБСЕ вакиллари ва қатор Ғарб ташкилотлари билан учрашган эдилар. Бу учрашув ва мулоқотлар ҳукуматни саросимага солиб қўйди. Айнан шу учрашувларда мухолифат вакиллари парламент сайловларида иштирок эттирмаслик учун ўзбек ҳукумати яқин кунларда қандайдир провакацияга бориши мумкинлиги ҳақидаги хавотирлар айтинган эди. Кўп қутилмади. 16 февраль куни Тошкентда портлаган бомбалар нафақат бегуноҳ кишилар ҳаётига зомин бўлди. Балки, сайловлар арафасида пайдо бўлган яхши кунлар умиди ва демократия ҳақидаги орзуларни ҳам саробга айлантирди.

1994 йилги парламент сайловлари олдида ҳам биз ҳақимизда худди шунга ўхшаш “давлатни куч билан эгаллаш” деган сохта айблар билан жиноий иш очишган эди. Лекин унда Каримов Ғарбни мухолифат хавфи билан ишонтирмаган эди. Бомбалар билан ишонтириш асосли ва ишончли, шекилли. Шу аснода нафақат ўзининг диктаторлик бошқарувини оқлаш, балки, шу баҳонада мухолифатдан қачинки мумкин!

Ўзбекистон телевиденияси тўрт йил муқаддам суъратга олинган қашқадарёлик йигитлар ҳақидаги кадрларни тез тез қайтириб туради. Улар гўё Чечинистон жангоҳларида ҳарбий тайёргарликдан ўтишган эмиш. Бугун бу йигитларнинг аксарияти ўз қолхозларида ва ё милицияда ишлашни кўпчилик яхши билади. Улар қачонлардир, 1994 йилларда Ўзбекистонга «ЭРК» газетасини олиб келиб, ҳукумат томонидан ушланган эдилар...

Мартнинг сўнгги кунлари Ўзбекистон ташқи ишлар вазирининг АҚШга бўлажак сафари ҳам фақат бир мақсадни – ўзбек сиёсий мухолифатини ер билан яқсон қилиш учун Американинг розилигини олишдан иборат!

Яқинда Ўзбекистонга Туркия Президенти Сулаймон Демерал ташриф буюрди. Икки давлат Президентларининг айна учрашувида ҳам асосий масала – мухолифат масаласи бўлди. Энди бу сафар Каримов Туркиядан ўзбек мухолифати лидери Мухаммад Солиҳни тутиб беришни қаттиқ талаб қилди.

Туркия Президенти Демирал жаноблари Каримовга шундай деб жавоб берган: «Ўзбекистон душмани – Туркиянинг ҳам душмани, Каримовнинг душмани – менинг ҳам душманим, Мухаммад Солиҳ ортиқ Туркияда яшолмайди!».

Мен Туркия Президенти ўзбек ҳукумати тарғиботида ишонди деган фикрдан йироқман. Лекин ёлгон олий ҳукумат доираларида айтилаверса, янгича мазмун касб этади ва унга одамлар секин аста ишона бошлашади.

Ўзбекистон Президенти мамлакатни бошқараётган ўн йил даври давомида ҳали бирор марта ҳам халқига рост сўз сўзламаган. У ҳамиша халқни алдаб келди. Олий ва мухташам ҳукумат минбарлари бутун бўй басти билан уни доим фош бўлиш даҳшатида асраб келди. Ва бугун ҳам бу ёлгон давом этиб келаяпти. Энди бу ёлгон Ўзбекистон фаровон юрт, унинг иқтисоди юксалишда, тинчлик мустаҳкамланмоқда, халқ ҳукуматдан миннатдор, мухолифат бизда йўқ, борлари ҳам террорист, халққа қарши репрессиялар йўқ, фақат мамлакат осойишталигини кўролмайдиган ёвуз кучлар бор, холос деган сўзлардан иборат!

Мен ЭРК ва ОЗОДЛИКни, ДЕМОКРАТИЯ ва ХУРФИКРЛИЛИКни муқаддас деб билган барча тараққийпарвар кучларни бу ёлгонга ишонмасликка чақираман. Мең диктатор Каримовнинг «Ўзбек халқига бахт саодат тилайман ва уни бир кун келиб демократия шароитида кўришни орзу қиламан!» деган ёлгон сўзларига ишонмасликларингизни сўрайман. Мен Сизларни 16 февралдан сўнг ўзбек халқига қарши бошланган репрессияни тўхтатишга, сўз ва иш билан режим жаллодларининг гуноҳсиз кишиларни қатли ом қилишларига йўл қўймасликка чақираман” («ЭРК» газетаси. №4 май-август, 1999)

“Озодлик” радиосига берган интервьюсида эса Мухаммад Солиҳ Ислон радикализи ва террорчилик ҳақидаги ўз фикрини мана бундай баён этади: “Ҳеч бир ғоя, у хоҳ миллий, хоҳ диний бўлсин, мусулмон кишисини террорга йўналтира олмайди. Ҳатто Каримов режимига ўхшаш тоталитар режимлар олиб бораётган давлат террорига қарши курашлар ҳам. Чунки террор – (аморален) – ноҳалолдир. Художўй одам ноҳалол бўлолмайди. Ислонда – террорга ўрин йўқ!” (“Озодлик” радиоси, 17-01-02, Марказий Осиё ва Кавказ, “Халифат ва Шарият”, Эшиттириш олиб борувчиси ва муҳаррир – Тенгиз Гудава

(Давоми келгуси сонда)

АСОСИЙ ЕГУЛИКЛАР

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Товуқ

Табиий озикланган товуқнинг гўштини еса бўлади, ёғи таомлар учун қўлланилади. Фақат гормон, антибиотик, витамин ва бошқа кимёвий дорилардан тайёрланган, қўшимчалар қўшилган емлар билан етиштирилган товуқ гўшти, тухуми ва ёғини истеъмол қилиш тўғри эмас.

“В” ва “АВ” қон гуруҳларига мансуб кишилар товуқ гўшти табиий бўлса ҳам, товуқ гўштининг ҳазмида қийналишади. Товуқ гўштини улар учун зарарли протеин мавжуд. Бу протеин метаболизмни секинлаштиради, иммунитет тизимини заифлаштиради ва касалликларни кўзгатади.

Хўрознинг яхшиси - ҳали қичқирмагани, товуқнинг яхшиси эса ҳали тухумга кирмаганидир. Жамбул, қоразира, чиннигул ва шивит билан пиширилган хўроз гўшти бўғинлар оғришига, газ, ошқозон ва ичак яллиғланишларига фойдалидир. Товуқ гўшти ақлни кучайтиради, манийни орттиради.

Товуқ еми:

Бугун товуқ еми сифатида гени ўзгартирилган макка, ловия ва буғдой каби қишлоқ-хўжалик махсулотлари қўлланилади. Бундан ташқари, товуқ емига сунъий протеин, витамин, энзим, гормон ва антибиотиклар, бузилишининг олдини оловчи моддалар (формальдегит ва нитрат-нитритлар) ва бошқа қатор қўшимча моддалар қўшилади. Тухум сариғининг янада сариқ, пўстлогининг рангли бўлиши учун емга ранг берувчи Е161 (xanthophyl) ҳам қўшилади. Xanthophyl устида қилинган тадқиқотлар охирига етмаган ва инсон соғлиги учун зарари аниқланмаган. Фақат бу моддага товуқ ёғида ва тухумида дуч келинади. (“Қўшимча моддалар” бўлимига қаранг.)

Тухум

Тоза (янги) табиий тухумнинг оқи хомлай ичилганида захарланишни, овознинг хириллашини тузатади. Протеин, бойитилмаган ёғ ва минерал таркибли тухумни ҳамма ейиши мумкин.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида янги тухумнинг юрак касалликлари ва юқори холестеринга алоқаси йўқлиги аниқланди.

Энг яхши тухум табиий озикланган, эндигина тухум қўйишга бошлаган товуқнинг 1-3 кунлик тухумидир.

Ҳафтада 1-2 марта тухум ейиш кифоядир. Фақат тухум ейишни ёқтирадиганлар ҳафтада 3-5 марта табиий тухум ейишлари мумкин. Янги тухумни хомлай, қовуриб ёки 3 дақиқа қайнатиб ейиш фойдали.

5 дақиқа қайнатиб еса ҳам бўлади, бундай тухум аллергия бермайди.

Аммо 5 дақиқадан кўп қайнатилган ва 10 кундан ўтган тухум зарарли ҳисобланади. Унли махсулотлар ёки бисквит каби ширинлик махсулотларида қўлланилган тухум кукуни, пастеризацияланган тухумлар ва музлатгичда ойлар давомида туриб қолган тухумларнинг протеинлари қон айланишига ўтиб, оғир захар каби ишлай бошлайди, буйракларни сулалаштиради ва танага кучли аллергия реакция беради.

Тухумнинг янгилиги қуйидагича билиш мумкин:

Янги тухум тузли сув ичига солинса, у идиш тубида ётган ҳолда туради. Тузли сувда тик турган тухум - ўртача, сув юзида қалқиб турган тухум - бузилган бўлади.

Янги тухумнинг оқи шаффоф, сариғи ёйилмаган ва эластик ҳолда бўлади. Эскирган тухумнинг ҳаво бўшлиғи катталашган бўлиб, ичи бузилади, бундай тухум силкитилганда овоз чиқаради.

Ёғлар

Инсон вужудининг ёғга эҳтиёжи бор: хўжайра деворларида 50-60 % ёғ бор. Ёғ тери остида, аъзоларнинг ва мускулларнинг атрофида тўпланади ва аъзоларни ташқаридан келган хавфлардан сақлайди. Баданнинг иссиқ ва сув йўқотишининг олдини олади. Тери остидаги ёғ терига эластиклик ва гўзаллик беради, яраланиш ва яллиғланишдан сақлайди. Соч, қил, териларни юмшатади ва порлатади. Бундан ташқари, ёғ ҳам эриган витамин ва озиқ моддаларни ташийди ва сингишига ёрдам беради. Ошқозонни секин тарк этиши сабабли тўқлик ҳиссини беради. Тўймаган ёғлар “Омега-3” ва “Омега-6” хўжайра деворларининг тузилиши, хўжайранинг ўсиши ва бўлиниши, қон босими ва холестерин миқдорининг мувозанатлашишига, томирларда қон қуюқлашуви ва ёғ

бирикишининг олдини олишда, томирлар зарарланишининг камайиши ва тузалишига ҳамда иммунитет тизимининг ишлашига ёрдам беради.

Инсон бадани идеал ўлчовдаги “омега” ёғларини зайтун ёғи, ёнғоқ, ёнғоқ ёғи, зиғир уруғи ва ёғи, ёғли балиқ, янги тухум, семизўти ва уруғи, қичитқи ўти (газанда) ва уруғи, ва барча яшил баргли сабзавотлардан олади. Ловия ва кунгабоқар ёғлари ҳам омега ёғига бой. Фақат бугунга келиб, улар ёғ синфидан чиқиш арафасида. Чунки ловия ва кунгабоқар ёғларини ишлаб чиқаришда фақатгина GM уруғлар қўлланилади. GM маккажўхори, GM кунгабоқар ва кўплаб GM уруғларидан олинган суюқ ёғлар гидроген қилинмаган бўлсалар ҳам, ҳазм бўлмайди. Чунки табиатда мавжуд бўлмаган, яратилмаган таом учун ҳазм тизими ҳам яратилмаган. (“GMO” бўлимига қаранг.)

Усимлик ёғлари азалдан уруғлардан совуқ сиқиш йўли билан олинар эди. Бугун эса ёғ экстракти сиқиш машиналари томонидан 110°C иссиқликда ва юқори босимда токсик кимёвий ёғ ажратувчилар ёрдамида олинади. Қўлланилган бу иссиқлик, босим ва кимёвий ажратувчилар бойитилмаган ёғ кислоталарининг углерод боғларини узади, якка-якка радикал моддалар ҳосил қилади ва улардан ҳимоя қилувчи “Е” витаминини йўқ қилади. Бу жараёндан ўтган зиғир уруғи, кунгабоқар ва жўхори ёғлари каби ўсимлик ёғлари саратон, қандли диабет, жигар касалликлари ва мияда юзага келадиган муаммоларга сабаб бўлади. Экстракциядан кейин баъзи ёғлар гидрогенлаштирилади. Маргаринлар, буткул ва қисман гидрогенлаштирилган ўсимлик ёғлари бу гуруҳга киради.

Гидрогенлаштирилган ёғлар:

Кунгабоқар, жўхори, пахта ёғи каби ёғлар ёниш даражасини кўтариш, чидамли ҳолга келтириш ва тоза сақлаш муддатини узайтириш учун гидрогенлаштирилади. Гидрогенлаштириш – суюқ ёғларнинг молекуляр таркибига юқори босимда катализатор билан гидроген атомларини қўшиб, суюқ ёғларнинг кимёвий таркибини ўзгартиришидир. Ёғлар табиий бўлсалар ҳам, бу жараёндан кейин таомлик хусусиятини йўқотишади.

1940 йиллардан бошлаб қилинган

(Давоми кейинги бетда)

АСОСИЙ ЕГУЛИКЛАР

(Давоми. Боши олдинги бетда)

тажрибаларнинг кўрсатганидек, гидрогенлаштирилган ёғлар саратон, юрак ва қон томир касалликлари, қанд диабет, обесит, юқори холестерин, иммунитет тизими касалликлар ва бошқа бир қатор муаммоларнинг сабабчиси.

Маргарин ишлаб чиқарилаётганда кунгабоқар, ловия, хурмо ва жўхори ёғи каби турли ўсимлик ёғлари аралаштирилади ва никель катализатор билан гидрогенлаштирилади. Бу жараёнда ёғда эриган глицерол ва лецитин (чўчка глицероли ва лецитини бўлиши мумкин) каби эмулгаторлар, А, Д, Е витаминлари ва маргаринга таъм ва ҳид берадиган сариеғ, зайтун аромати каби табиийга ўхшаш ароматлар қўшилади.

Цитрик, лактик кислота, калий сорбат каби турли сақловчи моддалар, сув, ёғсиз сут кукун, туз қўшиб, аралаштирилади. Бунинг натижасида маргариннинг кимёвий таркиби билан пластмассанинг кимёвий таркиби ўртасида фақатгина бир молекула фарқ қолади.

Синтетик модда хусусиятларига эга бўлган маргаринни инсон ёки ҳайвон ҳазм тизимининг ҳазм қилиши имконсиздир.

Гени ўзгартирилган уруғлардан олинган ёғлар, гидрогенлаштирилган суюқ ёғлар ва маргаринларнинг зарарлари: Ҳазм бўлмайдиган, танада тўпланади.

Жигарни бузади, хуснбузарларни кўпайтиради.

Ёмон холестеринни оширади, яхши холестеринни туширади. Томирларда тўпланади ва уларни торайтиради, қаттиқ тиқилишларни ҳосил қилади.


Қон босимининг юксалишига сабаб бўлади.

Асеросклероз ва коронар юрак касаллиги ва саратон хавфини кўпайтиради.

Она сутини камайтиради ва сифатини туширади.

Иммунитет тизимини заифлаштиради.

Инсулин фаоллигини тушириб, қонда қанд миқдорининг ортишига сабаб бўлади. Сўнгги йилларда Америка ва Оврупада гидрогенлашган ёғлар ва маргарин таъқиқланди. Маркет пештахталаридан тўплаб, олиб кетилди. (Бу маҳсулотлар ислом ўлкаларига юборилиб, ўрнига зайтун ёғи ва думба ёғи олинган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас) Қиздирилгандан кейин туриб қолган ёғда ёки қайта



ишланган озуқалардаги ёғда ёғ оксидланиши билан токсик хусусиятдаги пероксидлар ва мустақил радикаллар келиб чиқади, бу эса ўта хавфлидир. Шу сабабдан қовурилган ва туриб қолган бодом, pista ва арахис, чипс, печенье, туриб қолган тайёр таомлар ва қовуришда бир мартадан кўп ишлатилган ёғларни истеъмол қилиш тўғри эмас. Бодом, pista ва арахис каби маҳсулотларни қовурилгандан сўнг куттирмасдан ейиш керак. Пишириш жараёнида мустақил радикал моддалар юзага келиши сабабли табиий ўсимлик ёғларини ҳам бир марта ишлатиш керак. Ҳайвон ёғлари, яъни бойитилган ёғлар эса ТВ ва бошқа ахборот воситалари тарғиб қилгани қадар хавфли эмас. Миямизнинг тахминан 60% ёғ кислоталаридан ташкил топади. Бунинг ярми бойитилмаган ёғ кислоталари, қолган ярми эса бойитилган ёғ кислоталаридир. Бойитилган ёғлар ҳужайра деворининг 50%ни ташкил қилади ва ҳужайра метаболизмида муҳим рол ўйнайди. Улар суякларга кальций келишини, жигарнинг токсинларидан ҳимояланишини таъминлайди ва яхши холестерин (HDL) миқдорини оширади. Бундан ташқари, ҳазм тизими аъзоларини зарарли бактериялардан сақлайди, иммунитет тизимини қувватлантиради.

Гўшт ўз ёғи билан пиширилса, ҳазм бўлиши осон кечади. Гўшт ўзидан бошқа ёғда яхши ҳазм бўлмайдиган. Қон гуруҳи “О”, “В” ва “АВ” бўлганлар табиий озикланган ҳайвонларнинг ёғини гўшти билан бирга бемалол истеъмол қилишлари мумкин. Аммо ҳайвон гўштини ҳазм қила олмайдиган “А” қон гуруҳига мансуб кишилар фақат ҳайвон ич ёғини таом билан ейишлари мумкин. Бойитилган ёғлар доғлаш ва пишириш жараёнида бузилмайди. Шу сабабдан

қизартириш ва қовуриш ишларини бу ёғларда қилиш тўғридир. Фақат табиий озикланмаган ҳайвонларнинг ёғи зарарли ҳисобланади. Чунки ҳайвон танаси ҳам худди инсон танаси каби камчилиги бўлган ҳазмдан сўнг қолиб кетган заҳарларни ёғда тўплайди.

Соғлом кишининг ҳафтада 2-3 марта ёғ ейиши танага кифоя қилади. Ёғ истеъмол қилинмаса ҳам, тана ўз ёғини чиқаради. Аммо пайғамбаримиз (с.а.в.) “40 кунгача гўшт ва ёғли нарса емаслик ахлоқни бузади, киши табиатини ўзгартиради”, деганлар.

Қўп ва зарарли ёғ томирларда кичик дончалар ҳосил қилади. Бу дончалар қон билан айланиб, холестерин билан қопланишни (ёпилишни) бошлайди ва терининг ёғ безларига боради, у ердан хуснбузар ва чибон шаклида тери устига чиқади.

Қондаги кўп ёғнинг хуснбузар ва чибон шаклида тери устига чиқиши энг зарарсиз йўлдир. Бундан ҳам ёмонроғи қондаги ортикча ёғларнинг “холестеринли халтачалар” ҳолида томир деворларига ёпишиб, оҳак билан қопланишидир. Шундай цементланган томир деворлари қаттиқлашади, қалинлашади. Натижада, томирлар тораийиб, қон айланиши секинлашади ва қон қуюқлашади. Қон тораийган томирлардан аъзоларга етарли миқдорда етиб бормайдиган ҳолга келади, аъзолар кислороддан ва зарурий озуқалардан маҳрум қолиб, заифлашади. Томирнинг қопланган жойида томир портлаши ёки некроз, яъни тўқима ўлими келиб чиқади. Некроз юзга келган жойда эса яра, қонаш, яллиғланиш ва қаттиқлашиш ҳодисалари бўлади. Юксак холестериндан қутулиш учун холестеринни дори билан туширмасдан, озикланишни тартибга солиш, зайтун ёғи ейиш, саримсоқли дори ичиш, жигарни тозалаш керак бўлади. Холестеринни тушириш учун бу тадбирнинг ўзи кифоядир.

ОЙДИН СОЛИҲ
“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан
(Давоми келгуси сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Камолитдин Йўлдош